*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 14 октябрь ● сешанба ● № 44-45 (604) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru ● www.minjust.uz

● *Янги рукн: Сайлов ва сайловчи*

## ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

**Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови олдидан**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил 30 сентябрдаги Қарорига мувофиқ жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида мамлакатимиз бўйлаб фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилади. Мазкур сайловнинг уюшқоқлик билан ўтиши, унда сайловчиларнинг фаол иштирок этиши аҳоли ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, фуқароларимизни сайлов қонунчилиги, хусусан, **"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"**ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ тушунишларига боғлиқ, албатта.

Газетамизнинг 3-саҳифасида мавзуга оид саволларга **"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"**ги Қонун асосида берилган жавоблар билан танишасиз.

3 →

# КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

## Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг 16 йиллиги арафасида

**МИЛЛИЙ ҲАМДА УМУМИНСОНИЙ қадриятларга таяниб, халқаро андазаларга мос яратилган Асосий Қонунимиз мамлакатимиз тараққиёти, фаровон ҳаёт қуриш йўлида мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.**



ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2001 йил январь ойида эълон қилинган **"Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"**ги Фармойишини ҳаётга изчил татбиқ этиш борасида жойларда кенг тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур Фармойиш Бош қомусимизнинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ англаш, аҳолининг барча қатламлари ўртасида тушунтириш ишларини кенг йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Бу борадаги ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг самарали кечиши мутахассис ҳуқуқшунослар, маърузачи нотиқларнинг малакаси, хусусан, Конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур билишига боғлиқ, албатта. Бу эса тарғиботчиларнинг билим ва малакасини янада ошириб боришни ҳам тақозо этади.

Шу мақсадда адлия органлари ва муассасаларида **«Конституция — буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати»** мавзуида семинарлар ўтказиш Адлия вазирлиги томонидан режалаштирилган. Адлия вазирлигида шу мавзуда навбатдаги семинар бўлиб ўтди. Унда Тошкент Давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари жамиятимиз ҳаётининг ҳуқуқий асоси бўлган Конституциямиз мамлакатимизнинг тараққиёти, ҳуқуқий демократик жамият қуришимизда дастуруламал бўлаётганлигини алоҳида таъкидладилар. Етук мутахассислар Конституция инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг асосий кафолати бўлиб, унинг шахс, давлат, жамият манфаатлари акс этган қонун эканлиги, давлат бошқарувини модернизациялаш ва ислоҳ қилишнинг бош ҳуқуқий мезони бўлаётганлиги хусусида таҳлилий фикр-мулоҳаза юритдилар.

Бош қомусимизда ҳуқуқий давлатнинг конституциявий белгилари — давлат суверенитети принципи, халқ ҳокимиятчилигининг ўрнатилганлиги, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, Конституция ва қонунларнинг устунлиги, давлатнинг фуқаро олдидаги масъулияти, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши, уларнинг ҳимоя қилиниши ва кафолатланиши, Конституция ва қонунларнинг халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган меъёрлари ва тамойилларига мослиги принциплари ёрқин акс этган. Мамлакатимизда инсон манфаатлари устуворлиги амалдаги қонунчилигимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг олий қадрият сифатида қаралиши билан мустаҳкамланган.

Семинарда умумий тушунча ва йўналишларни шарҳлаш билан бирга Конституциянинг алоҳида бўлим ва боблари, бир неча моддалари кўргазмали воситалар ёрдамида чуқур таҳлил қилинди. Семинар қизғин мушоҳада, савол-жавоб тарзида ўтди.

Семинар ишида Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Абдуҳалим Аҳмедов иштирок этди.

**Инобат НОРМУРОДОВА, Озод БЕГМАТОВ, ТДЮИ талабалари**



Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар

● *Одам савдоси: трансмиллий жиноят*

## "ХАЛҚАРО ХАВФГА ҚАРШИ ҲАМКОРЛИКДА КУРАШАМИЗ"

**деди Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларaро комиссиясининг масъул котиби, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи, подполковник Абдумалик ҚЎЛДОШЕВ**

**ЖАҲОН ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган, йилига салкам 3 миллион кишини ўз домига тортаётган, миллат ва элат, давлат ва ҳудуд танламаётган, товар сифатидаги дунёвий савдо кўлами йилига салкам 12 миллиард АҚШ долларини ташкил этаётган "одам савдоси" деб аталмиш трансмиллий халқаро хавф бугун ҳеч бир мамлакатни бефарқ қолдираётгани йўқ.**

ЧЕГАРА БИЛМАС бу жиноят тури фуқароларимизнинг эртанги тақдирига жиддий таҳдид солиш эҳтимолини эътиборга олиб, шу йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг **"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги** Қонуни ҳамда мамлакатимиз Президентининг 8 июлдаги **"Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур суҳбат юқоридаги Қонун ва қарор ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган одам савдосига қарши кўрашиш бўйича Республика Идораларaро комиссияси фаолияти ҳақида.

3 →

● *2008 йил — «Ёшлар йили»*

## ЁШЛАР ҚАЛБИ, ВУЖУДИ

### ғайрат-шижоатга, орзу-мақсадларга тўлиб тошган бўлади



**МУСТАҚИЛ республикамизда ёшларга оид сиёсат давлат фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, унинг асосий мақсади — фарзандларимизнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, уларнинг қобилият ва ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида тўлатўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиб беришдан иборатдир.**

Бу ҳақда сўз юритганда биринчи навбатда мустақиллик йилларида давлатимизда ёшларни тарбиялаш ва бу борада фаолиятни амалга оширишнинг кенг ҳуқуқий асослари яратилганини қайд этиш лозим.

6 →

## МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИЛАР

**ГАЗЕТАМИЗНИНГ олдинги сонларида "Uzinfacom" компьютер ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази томонидан ўтказилган сўров натижасига кўра, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сонли қарори талабларига жавоб берадиган 20 та давлат идораси веб-сайтлари ичида Адлия вазирлигининг www.minjust.uz веб-сайти фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлганлиги ҳақида маълумот берган эдик.**



БУНДАЙ МУВАФФАҚИЯТЛИ фаолият замирида мутахассис ходимларнинг самарали меҳнати бор, албатта. Уларнинг ҳуқуқий тарғибот ишларига жиддий масъулият билан ёндашганлиги туфайли вазирлигимиз веб-сайти ана шундай эътирофга сазовор бўлди.

Яқинда ушбу ютуққа эришишда ўз ҳиссасини қўшган бир гуруҳ ходимларни Адлия вазирлигининг Фахрий ёрлиғи ҳамда пул мукофотлари билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Мукофотларни Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Абдуҳалим Аҳмедов топширди.

**Дилфуза ЭРГАШЕВА, «Инсон ва қонун» мухбири**

# МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» НИГОҲИДА

## ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНАДИ

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ, Шовот тумани, 23-сонли мактаб ўқитувчиси Ф.Ражабовнинг ушбу мактабда содир этилаётган ножўя ишлар тўғрисида газетага йўллаган шикоят хати вилоят халқ таълими бошқармаси мутахассислари томонидан муаллиф иштирокида жойида ўрганилди.**

ЎРГАНИШ жараёнида аризада келтирилган далиллар қисман исботини топди ва ижобий ҳал этилди, шу жумладан, мактабнинг 2008 йил 25 августдаги педагогик кенгаши қарорига асосан 2008-2009 ўқув йили бўйича муаллифнинг дарс соати 13,5 дан 16 соатга кўпайтирилди ҳамда бир нафар ногирон ўқувчини якка тартибда уйида ўқитиш дарси тарификация бўйича ажратилди.

Шунингдек, навбатдаги таътил ва май ойидаги касаллик варақаси пуллари тўлиқ ҳисоб-китоб қилинди.

Бугунги кунда мазкур мактаб фаолияти Шовот тумани прокуратураси томонидан ўрганилаётганлиги сабабли, текшириш якуни бўйича белгиланган чора-тадбирлар юзасидан вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ўрнатилган тартибда хат муаллифига маълум қилинади.

**О.СОБИРОВ, Республика халқ таълими вазири ўринбосари**



**ПАЙАРИҚ ТУМАНИ "Пай-50 йиллик" кўчаси, 6-уйда яшовчи фуқаро Н.Эсиргапованинг вояга етмаган фарзанди учун собиқ турмуш ўртоғи Ў.Мардиев алимент пулларини тўламаётганлиги ҳақида газетага ёзган аризаси Пайариқ туман прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.**

## АЛИМЕНТ УНДИРИЛДИ

ФУҚАРОЛИК ишлари бўйича Иштихон туманлараро судининг қарздор Ўткир Мардиевдан ундирувчи Насиба Эсиргапованинг фойдасига 1 нафар вояга етмаган фарзанди тарбияси учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент пулларини ундириш ҳақида 2008 йил 17 апрелда ҳал қилув қарори чиққан.

Туман прокуратурасининг аралашуви билан 2008 йил 6 сентябрь куни қарздор Ў.Мардиев томонидан ундирувчи Н.Эсиргаповага 2008 йилнинг 1 октябрига қадар жами 160.000 сўм алимент пуллари ундирилиши таъминланди.

**Р.ДОНИЁРОВ, Пайариқ тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси**

## ПРОТЕСТ КИРИТИЛДИ

**ФУҚАРО ДИЛШОДА САПАРБАЕВАнинг суд қароридан норози бўлиб газетага йўллаган аризаси Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида иш материаллари билан бирга, белгиланган тартибда ўрганиб чиқилди.**

ФУҚАРОЛИК ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг 2008 йил 25 апрелдаги ҳал қилув қарорига мувофиқ, фуқаро Д.Сапарбаеванинг даъво аризаси қисман қаноатлантирилган. Унинг фарзанди Розумов Жамшид онаси қарамоғида қолдирилиб, эҳтиёжлари учун отаси Рустам Розумовдан даромадининг 1/4 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган. Шунингдек, Р.Розумов ва Д.Сапарбаеванинг яна бир фарзанди Розумов Азамат отаси қарамоғида қолдирилиб, онасининг ойлик даромадидан 1/4 қисми алимент тариқасида ундирилиши белгиланган. Ушбу иш 2008 йил 3 июнда фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судида апелляция тартибида кўриб чиқилиб, қуйи инстанция суди қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўрганиш натижасида фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг ҳал қилув қарори ва фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди ажримини бекор қилиш ва даъвогар Д.Сапарбаеванинг даъво аризасини тўла қаноатлантириб, фарзанди А.Розумовни унинг тарбиясига олиб бериш ҳамда икки фарзанди учун алимент ундириб беришни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди раёсатига протест киритилди.

**М.ҚУРБАНБАЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори вазифасини бажарувчи**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ прокуратураси томонидан М.Дадажонов ва бошқаларнинг газетага йўллаган аризаси юзасидан текшириш ўтказилди.**

## ЖИНОИЙ ИШ ҚЎЗҒАТИЛДИ

АРИЗАДА "Олтиариқ тумани ИИБ ходимлари томонидан туман ҳудудида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги **"Жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудига товарлар олиб кирилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори ижросини бузаётган шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилмаётганлиги, ноқонуний товар-моддий бойликларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш билан шуғулланувчи шахслар аниқланганда уларга нисбатан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирмасдан, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб келаётганликлари учун чора кўришни сўраган.

Аниқланишича, 2008 йил 24 мартдан 25 мартга ўтар кечаси Олтиариқ тумани, Чордара маҳалласи ҳудудида фуқаро Ш.Якубов томонидан "ЗиЛ-130" ва "ГАЗ-53" русумли автомашиналарда Қирғизистон Республикасидан Олтиариқ туманига олиб ўтилган ун ва шакар маҳсулоти вилоят ИИБ ва туман ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда ушланганлиги, ушбу ушланган ноқонуний товар-моддий бойликлар вилоят ИИБга олиб келинганлиги, ушбу ҳолат бўйича ҳеч қандай ҳужжатлар расмийлаштирилмасдан, ИИБ раҳбарияти томонидан товар-моддий бойликлар эгаларига бериб юборилган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан Олтиариқ тумани ИИБ мансабдор шахсларига нисбатан 2008 йил 19 сентябрь куни ЖКнинг 205-моддаси, 2-қисми, "в" банди ва 208-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш учун вилоят прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига топширилди.

Ҳозирда жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Э.ЖЎРАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ИИВ органларида қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси**

## Ислом КАРИМОВ:

***Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топган.***

60
ИНСОН
ҲУҚУҚЛАРИ
УМУМЖАҲОН
ДЕКЛАРАЦИЯСИ

### Адлия вазирлиги ҳудудий бошқармаларида!

*Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги муносабати билан Адлия вазирлиги томонидан жойларда кенг миқёсда турли анжуманлар ўтказилмоқда. Қуйида мухбирларимиз Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бўлиб ўтган тадбирлар ҳақида хабар берадилар.*



**Президентимизнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамкорлигида учрашувлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар амалга оширияпти.**

# КЎРГАЗМАЛИ ВОСИТАЛАР, ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ ВА РИСОЛАЛАР

## ёрдамида семинар ўтказилди

ЯҚИНДА Қорақалпоқ Давлат университети қошидаги 2-сонли Нукус академик лицейида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши масъул ходимлари, Омбудсманнинг Қорақалпоғистондаги вакили, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларнинг вакиллари, ОАВ ходимлари ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирокида **"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти"** мавзуида семинар ўтказилди.





Унда мазкур декларация бугунги кунда инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ўзида тўла мужассамлаштирган халқаро ҳужжат эканлиги, мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар, халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчилигимизга татбиқ қилинаётганлиги ҳақида батафсил сўз юритилди.

Иштирокчилар миллий қонунчилигимиз ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий қоидалари мазмун-моҳиятини кенг ёритиб берувчи кўргазмали воситалар, ўқув қўлланмалари, рисолалар ёрдамида йиғилганларга мазмунли маърузалар ўқишди.

Лицей ўқувчиларида катта қизиқиш ва таассурот уйғотган семинар қизғин мушоҳада ва савол-жавобларга бой бўлди.

Семинар жараёнида иштирокчилар фаол қатнашиб, мавзуга оид ҳуқуқий масалалар бўйича ўз фикрларини билдирдилар.

— Бундай тадбир ўтказилгани айни муддао бўлди, — дейди талаба **Е.Матназаров.** — Чунки ўзимни қизиқтирган ва билишим керак бўлган кўплаб маълумотларга эга бўлдим. Шу билан бирга бу ҳуқуқий билимимни синаш имконияти ҳамдир, ўзимга бўлган ишончим ҳам ортди. Бундай тадбирлар биз ёшларга катта сабоқ беради.

— Семинарда ўқувчилар ўзлари ўрганишни истаган ҳуқуқий масалаларни таҳлил қилишга интилгани кузатилди, — дейди мазкур лицейнинг маънавият ва маърифат бўйича директор ўринбосари **Сора Утешова.** — Айниқса, ўқувчи-ёшларнинг онги ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришга хизмат қилиши билан ҳам бу тадбир аҳамиятлидир. Унда фойдаланилган кўргазмали воситаларнинг сермазмун, аниқ ва яхши тайёрланганлиги ўқувчиларнинг диққатини тортди. Маърузачиларнинг илмий таҳлилларни ҳаётий мисоллар ёрдамида содда тушунтирганликлари тадбирнинг чинакам самарали ўтишини таъминлади, десак янглишмаймиз.

Амалий семинар давомида фаол иштирок этган лицей ўқувчиларидан **Е.Матназаров, А.Турсунбоева**лар ўқувчилар ўртасида **"Энг яхши ҳуқуқ билимдони"** деб топилди ҳамда ғолиблар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Семинар иштирокчиларининг ўзаро фикр алмашувлари давомида инсон ҳуқуқи ва қадр-қимматининг юксаклиги ҳам яққол намоён бўлди. Бундай семинарлар Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам ташкил қилинади.

**Зулайҳо БЕКМУРАТОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири,**
**Диёрбек НУРМУРОДОВ,**
**ТДЮИ талабаси**

**УРГАНЧ ШАҲРИДАГИ 2-сонли Академик лицейда "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти" мавзуида учрашув ўтказилди. Адлия вазирлиги ва Хоразм вилояти адлия бошқармаси ташкилотчилигида ўтказилган мазкур тадбирда шаҳар ва туман ҳокимликлари, вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, таълим тизими, "Камолот" ЁИҲ, нодавлат нотижорат ташкилотлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вакиллари ва Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий вакили, ОАВ ходимлари ва ўқувчи-ёшлар иштирок этдилар.**

# ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ АКС ЭТГАН





МАЪЛУМКИ, инсон ҳуқуқларига оид мазкур халқаро ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ҳақида матбуот ва ОАВ ҳамда турли тадбирлар орқали тарғибот ишлари кенг кўламда олиб бориляпти. Шу мақсадда ташкил этилган мазкур учрашувда мутахассислар, жамоатчилик вакиллари юртимизда энг олий қадрият саналган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоясининг ҳуқуқий асослари, халқаро ҳуқуқий меъёрлари хусусида сўз юритдилар.

Жумладан, унда сўзга чиққан Адлия вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари Тўрабек Тўраев **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси**даги барча асосий қоида ва тамойиллар, хусусан, инсоннинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳақ-ҳуқуқлари мамлакатимиз Конституциясида ва қонунларида ўз аксини топганлигини алоҳида эътироф этди.

Ҳар бир фуқаронинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларидан баҳраманд бўлиши уларнинг ҳуқуқий билимларни қай даражада эгаллаганига боғлиқ. Ҳуқуқини том маънода идрок эта олган инсон қонунларни ҳам ҳурмат қилади, ҳуқуқни амалиётда қўллай билади.

Учрашувда йиғилганлар вилоятдаги 20-сонли "Меҳрибонлик уйи" директори, сенатор, Ўзбекистон Қаҳрамони **Вера Пак**нинг мулоҳазаларини қизиқиб тингладилар.

— Ёшларни доимо ҳаётнинг энг олдинги маррасида кўриш халқимиз истаги ва замон талаби, — деди у. — Талаба ва ўқувчилар инсон ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятларини билиши, Конституция ва қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушуниши, уларнинг муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлган Декларацияга уйғунлигини англаши лозим.

Бугунги тадбирда ўқувчиларнинг тиришқоқлиги, ўз фикри, муносабатини билдиришга интилаётганини кўриб, юртимизда муносиб ёш авлод камолга етаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Чиндан ҳам ёшлар замонни, замона эса ёшларни англаяпти. Бундай тадбирлар истиқболимиз эгаларини комил инсон қилиб тарбиялаш, маънавиятини юксалтириш, ҳуқуқий тарбиясини яхшилашга хизмат қилади.

Адвокат **Болжон Ибодуллаева** Декларацияда ифодасини топган ҳуқуқий меъёрларга оғишмай амал қилиниши қонунлар устуворлигини таъминлашнинг энг яхши намунаси ва кафолати эканлигини таъкидлади.

— Ёш бўлсак-да, баъзан одамларнинг ғам-ташвишига гувоҳ бўламиз, — дейди талаба **Рисолат Раҳимова.** — Баъзан оддий одамлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини қайси қонун ҳужжатлари ёрдамида ҳимоя қилиш йўл-йўриқларини етарлича билишмайди. Бу эса муаммолар янада чигаллашишига олиб келади. Ҳуқуқий билимларни болаликдан ўргатиш кейинчалик шу каби ҳолатлар содир бўлмаслигининг олдини олади. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган бу каби тадбирлар ёшларнинг шу йўналишдаги билимларга қизиқишини орттиради, бундай билимлар ҳар бир киши учун ҳаётда зарур бўлишини ҳам англатади.

Ҳуқуқшунос **Муяссар Жуманиёзова** шундай фикр билдирди:

— Баъзи кишилар ҳуқуқбузарлик юз берган ҳолларда билиб-билмасликка олишади. Эътиқод, ор-номус ҳисси устунлиги важидан қонуний ҳақ-ҳуқуқи ва даъвосидан воз кечадилар. Қонуний ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб, уларга таянган киши бундай ҳолларда қандай йўл тутиш лозимлигини яхши билади. Буни назарда тутса, ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараган айрим кишиларга адолатли ва инсонпарвар қонунчилигимиз орқали ҳаётий сабоқ бериб, уларни тўғриликка ундаш мумкин.

Вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК бўлими бошлиғи, Адлия маслаҳатчиси **Бахтиёр Жуманиёзов** қуйидагиларни қайд қилди:

— Маълумки, прокуратура томонидан зарур ҳолларда шахснинг айбсизлигини аниқлаш учун ҳам иш қўзғатилиши мумкин. Буни назарда тутсак, прокуратура органи инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг том маънодаги ҳимоячиси эканлигини илғаб олиш қийин эмас. Ҳозир мамлакатимизнинг барча прокуратура органлари қошида ушбу муҳим масаланинг қонуний ечими билан шуғулланувчи алоҳида бўғинлари фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Лицей талабаси **Дониёр Авазметов**нинг мулоҳазалари кўпчилик ёшларнинг дилидаги сўзлар бўлди:

— Таълим-тарбия олиш жараёнида шунга амин бўлдимки, тенгдошларимиз учун ўқув дастурларини ўзлаштиришнинг ўзи кифоя қилмайди. Буни мазкур учрашув давомида яна бир бор англадик. Замон ҳар қандай касб эгасининг ҳуқуқий билимларни зарур даражада билишини тақозо этмоқда. Дейлик, ёшларнинг ҳам ўз ҳуқуқ ва бурчлари бор. Юртбошимиз бизни ҳур Ватаннинг муносиб фарзандлари, истиқболимиз эгалари, моддий ва маънавий бойликларнинг зукко ижодкорлари ва бунёдкорлари бўлиб етишишга ундаб, катта ишонч билдиряпти. Бунинг учун ҳар томонлама билимли, юксак ҳуқуқий маданиятли бўлишга интиламиз.

Учрашувда йиғилганларни қизиқтирган саволларга ҳуқуқшунос мутахассислар жавоб беришди. Қизғин мушоҳада, баҳс-мулоҳазалар билан ўтган мазкур тадбирда бу каби учрашувлар жойларда мунтазам ўтказилиши аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди. Учрашув якунида **"Энг яхши ҳуқуқ билимдони"** номинацияси бўйича ғолиб деб топилган ўқувчи-ёшлар Адлия вазирлиги ва вилоят адлия бошқармасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири,**

***

**Алишер ЎРОЗАЛИЕВ олган суратлар**

# Тизим тадбирлари

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан Адлия вазирлиги томонидан тегишли идора, муассаса ва ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришга жиддий эътибор қаратилаётир.**

Пойтахтимизнинг Ҳамза тумани ҳокимлигида **"Маънавият ва жамиятда қонун устуворлиги"** мавзуида учрашув бўлиб ўтди. Унда Адлия вазирлиги ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғи ўринбосари Тамара Тиллаева, мазкур бошқарма бош маслаҳатчиси Лолахон Каримова, "Оила" марказининг Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи Гулнора Йўлчиевалар сўзга чиқиб, ёшлар маънавияти, уларнинг ҳуқуқий тарбияси масалалари хусусида атрофлича фикр-мулоҳаза юритдилар. Тумандаги маҳаллалар фаоллари, "Камолот" ЁИҲнинг Ҳамза тумани бўлими, мактаб ва коллежлар, шифохоналарнинг масъул ходимлари қатнашган ушбу тадбирда мавзуга доир қонунчилик ҳужжатлари ҳақида сўз юритилди. Ёшларни маънавий тарбиялашда кузатилаётган мавжуд ҳаётий муаммолар тўғрисида фикр алмашилди.

Бундай тадбирлар Тошкент шаҳрининг Чилонзор, Мирзо Улуғбек, Собир Раҳимов туманларида ҳам ўтказилди.

**Дилором МАТКАРИМОВА,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

## СОҒЛОМ АВЛОД — ФАРОВОН КЕЛАЖАК

**Тошкент шаҳридаги 1-сонли Никоҳ уйида Президентимизнинг 2008 йил 18 июндаги "Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан Тошкент Давлат педагогика университети талабалари иштирокида тадбир ўтказилди.**

Йиғилишда ҳуқуқ-тартибот идоралари ва тиббиёт ходимлари, маҳаллалар фаоллари сўзга чиқиб, соғлом турмуш тарзи ва соғлом авлодни шакллантириш масалалари хусусида алоҳида тўхталдилар. Талаба ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан тўлақонли жавоблар олдилар.

Тадбир баҳс-мунозара ва ишчанлик руҳида ўтди.

**Зумрад АКРАМХЎЖАЕВА,**
**Тошкент шаҳридаги**
**1-сонли Никоҳ уйи раҳбари**

## ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси ташаббуси билан вилоят касаба уюшмалари Кенгашида ўтказилган семинар-форумда вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, фуқаролик ҳамда жиноят ишлари бўйича вилоят судлари, хўжалик суди, хотин-қизлар қўмитаси, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, олий ўқув юртлари, вилоят "Маҳалла" жамғармаси, халқ таълими бошқармаси вакиллари иштирок этди.**

**"Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти"** мавзуидаги мазкур тадбир "Ёшлар йили" Давлат дастурининг ва вилоят адлия бошқармаси ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида тузилган Меморандум ижросига бағишланди.

**Маруса ҲОСИЛОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

## ТАРБИЯ ПОЙДЕВОРИ

**БУХОРО ТУМАНИ ФҲДЁ бўлими "Ёш оила мактаби" ўқув-курсининг йиғилишини ўтказди.**

Унда мустаҳкам оила жамиятнинг барқарорлиги, осойишталиги ва давлатнинг келажагини таъминлаши, у жамиятимиз келажаги бўлган қобил фарзандларни тарбиялайдиган, уларнинг ўсиб-улғайишига асосий замин яратадиган муҳитни юзага келтириши ҳақида сўз борди.

Ҳар бир оилага тиббий маданият кириб бориши зарурлиги, никоҳ тузишдан олдин келин-куёвларнинг тиббий кўрикдан ўтишлари давр талаби эканлиги, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари тўғрисида, шунингдек, мунтазам равишда спиртли ичимликларни ва гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишнинг она ва бола соғлиғига таъсири ҳақида ҳаётий мисоллар асосида маърузалар тингланди.

**Маҳфуза НОРОВА,**
**Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими**

## "ОИЛА ДОРИЛФУНУНИ"ДА

**ҒУЗОР ТУМАНИ ФҲДЁ бўлимида доимий фаолият кўрсатиб келаётган "Оила дорилфунуни"да туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла жамғармаси, саломатлик маркази билан ҳамкорликда белгиланган ўқув режа асосида машғулотлар олиб борилмоқда. Янги оила қураётган йигит-қизлар ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаб, зарур тиббий маслаҳатлар олмоқдалар. Машғулотларга малакали мутахассислар жалб этилган.**

Шунингдек, тумандаги Хўжагузар, Пахтазор, Яккадарахт, Жарариқ, Оқтош, Совбоғ, Собир Раҳимов номли маҳалла фуқаролар йиғинларида "Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш", "Соғлом оила — соғлом авлод негизи", "Оилавий ҳаёт муаммолари", "Тиббий кўрик ва унинг аҳамияти" мавзуларида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди. "Ёшлар йили" Давлат дастури асосида тумандаги молия, иқтисодиёт, маиший хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, саноат ва қурилиш касб-ҳунар коллежларида ва мактабларда тушунтириш ҳамда ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилди.

**Дилбар УЗОҚОВА,**
**Ғузор тумани ФҲДЁ бўлими мудири**

## Мазкур кўшсаҳифа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси фаолияти қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари юзасидан ҳамкорлик

● *Қонун устуворлиги — бош мақсад*

# ИЗЧИЛ ФАОЛИЯТ – ДАВР ТАЛАБИ

**БУХОРО ВИЛОЯТИ прокуратураси ходимлари шу йилнинг ўтган даври мобайнида қонунийликни мустаҳкамлаш, иқтисодий жараёнларни тартибга солувчи қонунлар ижросини таъминлаш борасида қатор ишларни амалга оширдилар.**

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ биринчи ярмида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари ҳимояси юзасидан 350 дан зиёд текширишлар ўтказилди. Унинг якунига кўра, 7 мингдан зиёд прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мансабдор шахсларнинг 500 дан ортиқ ғайриқонуний ҳуқуқий ҳужжатлари прокурорларнинг протестлари асосида бекор қилинди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 400 га яқин тақдимномалар киритилди, 5 мингга яқин мансабдор шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, 410 нафар мансабдор шахс қонунбузарликка йўл қўймаслик хусусида расман огоҳлантирилди.

Текширишлар жараёнида қўпол қонунбузилиш ҳолатлари ҳам қайд этилди. 71 та жиноят иши қўзғатилганлиги фикримизнинг исботидир. Етказилган моддий зарарнинг 1 миллиард 632 миллион 920 минг сўми айбдор шахслар томонидан ихтиёрий тўланишига эришилди. 41 миллион 214 минг сўм миқдоридаги зарарларни ундириш юзасидан судларга 726 та даъво аризаси киритилди. Энг муҳими, текширишларнинг таъсир кучи амалда яққол намоён бўлмоқда.

**Маълумки, қишлоқ хўжалиги вилоятимиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади.** Пахта етиштириш бўйича шартнома тузган барча фермер хўжаликларида агротехник тадбирлар прокуратура органлари томонидан мониторинг қилиб борилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида қишлоқ хўжалигига оид қонунлар ижроси юзасидан 165 та текшириш ўтказилиб, 12409 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича 122 та тақдимнома киритилди. Мансабдор шахсларнинг қонунга зид равишда қабул қилган 62 та ҳуқуқий ҳужжатлари протестлар асосида бекор қилинди. Жиддий қонунбузилишлар юзасидан 13 та жиноят иши қўзғатилди. 1 миллион 504 минг сўмлик моддий зарар ихтиёрий равишда ундирилди. 277 миллион 49 минг сўмни ундириш тўғрисида судларга 386 та даъво аризаси киритилиб, тўлиқ қаноатлантирилди.

Текширишлар давомида ер ажратишда суиистеъмолчиликларга ва ердан фойдаланишда қўпол қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди.

Жумладан, Когон тумани ҳокимлиги томонидан Бухоро ҳарбий гарнизонига қарашли ер майдонлари ва мулклар қонунга зид қарорлар билан тумандаги айрим фермер хўжаликларига ҳамда хусусий корхоналарга бериб юборилган. Натижада давлат манфаатларига 90 миллион сўмдан ортиқ зарар етказилган. Мазкур ҳолатлар юзасидан туман ҳокимлигининг мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 205-моддаси, 2-қисми, "а", "в" бандлари, 228-моддаси, 1,3-қисмлари билан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Маълумки, мустақиллик йилларида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг самарали қонунчилик базаси шаклланди. Жорий йилнинг Президентимиз томонидан "Ёшлар йили" деб эълон қилинганлиги ва шу муносабат билан давлатимиз раҳбарининг "**Ёшлар йили Давлат дастури тўғрисида**"ги Қарори ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга 2008 йил 16 апрелдаги "**Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**"ги Қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**"ги Қонун қабул қилиниши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Дастур доирасида ёшларни ишга жойлаштириш учун мингдан зиёд иш ўринлари яратилди. Ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларига меҳнат фахрийлари ва зиёлилар мунтазам жалб этиб келинмоқда.

Прокуратура органларида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва қонуний ҳал этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоят прокуратураси органларига фуқаролар ва юридик шахслардан 2388 та ариза ва шикоят келиб тушган. Мурожаатларнинг 202 таси асосли деб топилиб, қаноатлантирилган.

Мухтасар қилиб айтганда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кўз қорачиғидай ҳимоя қилиш, ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этаётган халқимизнинг ишончи орқали Конституцияда кафолатланган ҳуқуқларнинг таъминланишига эришиш бош мақсадимиздир.

**Жамол НИЗАМОВ,**
**Бухоро вилояти прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси**



Суратда: Бухоро шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси Собир Умаров ва шаҳар прокурори ёрдамчиси, учинчи даражали юрист Жасур Тангриев Бухоро Юридик ва маиший хизмат коллежи ўқувчилари билан.

● *Таҳлил ва сабоқ*

# ДОРИ-ДАРМОН ВОСИТАЛАРИ

## истеъмолга яроқлими?



**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Юртимизнинг яқин ўтмишдаги ва айни кундаги тақдирини қиёслаб, фикр юритган киши бугун ҳар жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказиш, миллатни янада соғломлаштириш устувор давлат сиёсати эканини ҳис қилади.**

ДАВЛАТИМИЗНИНг ана шу стратегик мақсади туфайли аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Яқинда вилоят прокуратураси томонидан "**Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида**"ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 20 майдаги "**Дори-дармон" давлат акциядорлик уюшмасини "Дори-дармон" акциядорик компаниясига айлантириш тўғрисида**"ги қарори ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши юзасидан мутахассисларни жалб қилган ҳолда белгиланган Дастур асосида текшириш ўтказилди.

"Бухоро дори-дармон" шўъба корхонасида ижобий ишлар амалга оширилаётганлиги қувонарли. Аммо... Афсуски, текшириш жараёнида жиддий қонунбузилиш ҳолатларига ҳам дуч келдик.

Келинг, мисолларга мурожаат қилайлик.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги 404-сонли қарори талабларига асосан дорихоналарда 20 турдаги дори-дармон бўлиши шарт. Шофиркон туманидаги "Амон Мангу" хусусий дорихонаси раҳбари Н.Латипов 7 турдаги дори-дармонларнинг мавжуд эмаслиги сабабларини изоҳлаб бера олмай, елка қисди. Дорихонада яроқлилик муддати ўтган ва давлат рўйхатидан ўтмаган товарлар сотилаётганлиги ҳам аниқланди. Табиий савол туғилади. Истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлигига ким жавоб беради? Дори воситаларининг сифати, безарарлиги кафолатланишини Н.Латипов нега унутди?

"**Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида**"ги Қонунга асосан, дори воситалари махсус мутахассисликка эга бўлган ходимлар томонидан сотилиши кўзда тутилган. Ғиждувон туманидаги "Нури Исломжон" хусусий дорихонасида савдо қилаётган ходим врач-стоматолог эканлиги аниқланди. Ачинарлиси шундаки, сотилаётган жами 64500 сўмлик 4 турдаги 81 ўрам дори воситалари ва тиббий буюмлар сифатсизлиги, давлат рўйхатидан ўтмаганлиги аён бўлди.

Шунингдек, Бухоро шаҳридаги "Азиз Саид Фарм" хусусий дорихонаси раҳбари З.Убайдуллаевага истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигидан кўра, нафс балоси афзал кўринган, шекилли, дорихонада яроқлилик муддати ўтган 78 ўрамдаги турли дори воситаларини сотиш учун сақлаб қўйган экан.

Ромитан туманидаги 2-сонли, Шофиркон туманидаги 7-сонли дорихоналар савдо зали ва ертўла омборларида маълум ҳароратда сақлаш учун керакли совутиш қурилмалари ўрнатилмасдан, дори-дармонлар қонун талабларига зид равишда сақланган. Шофиркондаги дорихонада 44 минг 97 сўм нақд савдо пуллари назорат касса машинасига кирим қилинмаганлиги дорихона раҳбари И.Одиловгагина эмас, текширувчиларга ҳам маълум бўлди.



Қисқаси, текшириш чоғида "Дори-дармон" шўъба корхонасига қарашли 30 га яқин шохобчада қонунбузилиш ҳолатлари кўзга ташланди.

Бухоро шаҳридаги "Гуфик Авиценна" қўшма корхонаси ва "Зарнигор-93" хусусий корхонаси раҳбарлари бухгалтерия ҳисоботларини нотўғри юритганликлари ва бюджет тўловларини ўз вақтида амалга оширмаганликларини текшириш жараёнида тан олдилар.

Текшириш якунларига кўра, 18 та протест келтирилди, 48 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. 1 миллион 626 минг 429 сўм миқдоридаги етказилган зарар ихтиёрий тарзда тўланди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 3 та жиноят иши қўзғатилди.

Мақсад нима? Аҳолини сифатли дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш. Шундагина тизимдаги дорихоналар ходимлари ҳам соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этишга муносиб ҳисса қўшган бўладилар.

**Саид ШОДИЕВ,**
**Бухоро вилояти прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи**

***

**Суратда: вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Саид Шодиев фуқаролар билан суҳбатлашмоқда.**

● *Билмайин босдим тиканни...*

# АЧЧИҚ САБОҚ

**АСЛИ ХОРАЗМЛИК Альфиянинг (баъзи мулоҳазаларга бориб мақоламиз "қаҳрамонлари" исм-шарифларини ўзгартиришга қарор қилдик) ўрта мактабни битириб улгурмасидан қинғир йўлларга кириб кетиши, тақдир тақозоси туфайли Бухоро вилоятига келиб қолиши ҳам бежиз эмасди. У ҳуснини кўз-кўз қилиб, тўйма-тўй юриб, рақс тушиб, шу йўл билан моддий эҳтиёжини қондиришга ўрганганди. Аллақайси тўйда Феруза исмли аёл билан танишиб қолади.**

"Арзимаган чой-чақани деб шундай санъатингни увол қилаяпсанми?" деди "ширинсўз" аёл гўё ачинган бўлиб. "Шу рақсингни чет элликларга кўрсатсанг, пулнинг тагида қолишинг тайин. Истасанг, ўзим сенга ёрдам бераман".

Алдаб-аврашнинг ҳадисини олган аёл Альфияни сеҳрлаб қўйганди. Бир-икки бор учрашувдан кейин қиз инон-ихтиёрини "ҳожатбарор" аёлга топшириб қўйди.

— Феруза опа ўз ҳисобидан харажат қилиб, менга виза тўғрилаб берди, — дейди Альфия. — Икки сидра кийим-бош, атирупа харид қилишим учун 100 АҚШ долларини қўлимга тутқазди. Биз бирга Бирлашган Араб Амирликлари давлатига учиш учун аввал Тошкентга, у ердан Қирғизистоннинг Ўш шаҳри аэропортига бордик. Самолётга чиққанимизда опа менинг фуқаролик паспортимни сўраб олиб, ён сумкасига солиб қўйди.

Мусофир, бегона юртда "ҳожатбарор" опанинг асл башараси фош бўлди.

— Кун бўйи ресторанда рақс тушиб топадиганингни кечаси ишрат қилиб ҳам топсанг бўлади. Қайтанга даромадлироқ, — деди у андишани йиғиштириб, мақсадга кўчаркан. — Шартимга кўнсанг, опа-сингил бўлиб кетамиз. Йўқса...

Бу дағдағани кутмаган Альфия лом-мим деёлмай қолди. Шаржа шаҳридаги Ферузанинг уйига етиб боришганида эса даҳшатдан қотиб қолди. Уларни Ўзбекистон фуқаролари — Ферузанинг турмуш ўртоғи ва балоғатга етган ўғли кутиб олишди. Ичкаридаги хоналарда эса яна 18 нафар қиз тутқунликда сақланаётганди.



Шўрпешона қиз ҳар оқшом дугоналари билан клуб, ишратхона ва меҳмонхоналарга чиқарилларди. Эрталабга яқин қайтиб келиб, хўжайинларига "ҳисобот" беришар, тунлик тушумни қўшқўллаб "бека"нинг қўлига тутқазишга мажбур эди.

Альфиянинг фуқаролик паспорти "бека"сида эди. Лекин бу исловатхонадан қочиб қутулмаса, қўшмачилар қўлида абгор бўлишини яхши билларди. У охири ярим тунда қайсидир "юлдузли" меҳмонхонадан қочиб чиқиб, ўзини маҳаллий полиция қўлига топширди.

Тегишли идораларнинг аралашуви билан Альфия Искандарова юртига депортация қилинди. У билан бирга сақланган қиз-жувонларни ҳам зудлик билан ўз юртларига қайтариш чоралари кўрилди. Бир неча йилдирки, хорижга тижорат мақсадида қатнаб, савдогар ниқоби остида қизлар савдосини авж олдирган, ҳатто шу ғараз ва паст ниятини амалга ошириш мақсадида чет элдан ўзига уй сотиб олиб, жориялар сақлаган қўшмачилар оиласи эса қонун олдида жавоб берадиган бўлди.

Шундай қилиб, Бухоро шаҳар Пиридастгир кўчасидаги кўп қаватли уйлардан бирида истиқомат қилган Қ.Феруза ҳамда унинг ўғли, бевосита қизлар савдосига алоқадорликда айбланган К.Зоирларга нисбатан Жиноят кодексининг бир нечта моддаларига мувофиқ жиноий иш қўзғатилди. Қўшмачилар қилмишларига яраша жазо олишди. Бироқ уларнинг ширин сўзларию, кўнгил кўтарувчи хайрихоҳлиги, совға-саломига учган қизларчи? Наҳотки, ўз бўйинларини "сиртмоқ"қа солиб беришдан олдин улар хорижда жаннат ваъда қилаётган "корчалонлар"нинг асл мақсади, шахси билан қизиқиб кўришмаган!? Уларнинг бошига тушган бу кўргуликлар ўйлаймизки, худди шундай ўй-хаёлда хорижга чиқиб ишлаш ниятида юрган, енгил-елпи ҳаётни орзу қилиб, бирдан бойиб кетиш пайида бўлган қиз-жувонларга аччиқ сабоқ бўлади, деб ўйлаймиз.

**Эркин АМОНОВ,**
**Бухоро шаҳар прокурори ўринбосари**

● *Бошаранг қийшиқ бўлса...*

# ЭҲТИЁТ ҚИСМГА АЙЛАНГАН МАШИНАЛАР

## ёки божхона божларини тўплашдан бўйин товлаганлар хусусида

**ЮРТБОШИМИЗНИНГ 2008 йил 8 февраль куни бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида "Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш — барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир" деб номланган маърузасида солиқ тизими ва солиқ муносабатларини унификация қилиш, мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ва муносиб ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш, жаҳон тажрибасини ва солиққа тортишнинг амалда синовдан ўтган ёндашув ва тамойилларини ўрганиш асосида ишлаб чиқилган янги Солиқ кодекси ва унинг амалиётга жорий қилиниши муҳим аҳамият касб этганлигини эътироф этди.**



ЯНГИ СОЛИҚ КОДЕКСИ амалга киритилиши муносабати билан бир қатор қонун ҳужжатлари бекор қилинди. Жумладан, "**Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида**"ги, "**Давлат божи тўғрисида**"ги, "**Патта тўлови тўғрисида**"ги қонунлар ўз кучини йўқотди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан қабул қилинган 50 дан зиёд йўриқнома, низом ва бошқа қонуности ҳужжатлари ҳам амал қилмайдиган бўлди.

Шундай имкониятлар яратилган бир шароитда мазкур қонуний енгилликларга, қонун талабларига амал қилмаслик ўз навбатида жавобгарликка сабаб бўлади. Чунончи, юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат томонидан белгиланган солиқ, йиғим, бож ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслиги, фойда (даромад)ни ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаши қонунда белгиланган тартибда маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилади.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида, жиноят ишлари бўйича Жондор тумани суди томонидан ушбу турдаги бир қатор ишлар мазмунан кўрилиб, қонуний ҳал этилди.

Келинг, фикримизни ойдинлаштириш учун қуйидаги мисолларга мурожаат қилайлик.

2007 йил 15 ноябрь куни Жондор туманидаги Қовчин қишлоғида яшовчи Нурмуҳаммат Нуриллаев Россия Федерациясидан 1989 йилда ишлаб чиқарилган "КамАЗ-53208" русумли автомашинани Ўзбекистон Республикаси ҳудудига Қорақалпоғистондаги "Даут-Ата" божхона пости орқали олиб кириб, ўз номига расмийлаштиради. Божхона электрон марказлашган база маълумотларига асосан божхона тўловлари 46.550.601,79 сўмни ташкил этади.

Нурмуҳаммат тўланиши керак бўлган божларни тўлашдан бўйин товлашнинг антиқа усулини ўйлаб топди. У автотранспорт воситасини эҳтиёт қисмларга бўлиб ташлаб, бирин-кетин пуллай бошлади. Кузов қисмини эса акаси Нажмиддин Нуриллаевнинг уйига элтиб қўйди.

Мабодо, вилоят божхона бошқармасидан инспектор келса, кузовни кўрсатишни дилига тугиб қўйганди. Шу тариқа жуда кўп миқдордаги бож тўловларини тўлашдан бўйин товлаш унинг режасида бор эди. Аммо унинг ҳавойи хаёллари чиппакка чиқди.



Яқинда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи, Ковчин қишлоғилик Эркин Жалолов ҳам харидоргирлиги, бозори тезлиги учунми, тумандошининг ғалати усулини қўллаб, белгиланган божхона божларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб, Россия Федерациясидан олиб келган "ГАЗ-31029" русумли енгил автомашинани эҳтиёт қисмларга бўлиб сотган. Божхона органлари ходимлари унинг кирдикорларини фош этдилар.

Жиноят ишлари бўйича туман судида унга нисбатан қонуний жазо тайинланди. "ГАЗ-31029" русумли енгил автомашина кузови давлат фойдасига мусодара қилинди. Божхона тўловлари тўла ундирилиши белгиланди.

Суд жараёни чоғида тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлар қонунларни яхши билмасликларини пеш қилиб, янглишиб жиноятга қўл урганликларини баён этишди. Бироқ, қонунларни билмаслик жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўла олмайди.

**Комилжон ҲАСАНОВ,**
**Жондор тумани прокурори**

***

**Суратда: Жондор тумани прокурори Комилжон Ҳусанов жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан маслаҳатлашув ўтказмоқда.**

*Саҳифа материалларини газетанинг Бухоро вилояти бўйича мухбири Валижон ЮСУПОВ тайёрлади.*

# Бош прокуратураси ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қилиш тўғрисида имзоланган Меморандум асосида Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича тайёрланди




**ДУНЁ ХАЛҚЛАРИ XX асрнинг биринчи ярмига келиб, ер куррасини ларзага солган беқиёс ва ақл бовар қилмайдиган II жаҳон урушини бошидан кечирди. Жаҳон халқлари бошига фашизм келтирган офатларни бартараф этиш жараёнида давлатлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни ҳамда барча миллатлар ҳуқуқларининг тенглигини таъминлаш мақсадида халқаро ташкилот — Бирлашган Миллатлар Ташкилотини тузиш зарурати туғилди ва бу ташкилот 1945 йилда тузилиб, унинг Уставида аъзо давлатлар олдига келгуси авлодларни уруш хавфидан халос этиш, инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилинишини қарор топтириш, адолат ва халқаро ҳуқуқларни таъминлаш каби вазифалар белгилаб қўйилди. Шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда БМТ Бош Ассамблеяси 1948 йил 10 декабрда ер юзида яшовчи барча халқлар ва миллатлар ҳаётига дахлдор тарихий ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилди. Бу юридик ҳужжат ер юзидаги барча кишилар ҳуқуқларининг баёнидир.**

## УЛУҒ ҚАДРИЯТ

ДЕКЛАРАЦИЯНИ инсоният тараққиётининг пойдевори деб ҳам аташ мумкин. Чунки унда инсон ҳуқуқлари ҳар жиҳатдан ҳурмат қилиниши барча ҳукуматлар ва халқларнинг муштарак бурчидир, деган тамойил ўз аксини топган. Умумжаҳон декларацияси буюк тарихий аҳамиятга молик ҳужжат сифатида жамиятлар ва ҳукуматлар тутган йўл нечоғли тўғрилигини ўлчаб берадиган мезондир.

Бу йил жаҳон ҳамжамияти умумэътироф этилган мазкур ҳужжат қабул қилинганлигининг 60 йиллигини кенг нишонлайди. Ўзбекистон Республикаси ҳам 1992 йилда мазкур декларацияга қўшилган ва ҳозирда ушбу санани кенг нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Шу муносабат билан Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги **"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"**ги Фармони қабул қилиниб, унга мувофиқ мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий, қонунчиликка оид чора-тадбирлар тизимини янада такомиллаштириш кўзда тутилган, улар билан бир қаторда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳиятини очиб беришга қаратилган ўқув дарсларини ҳар бир таълим муассасаси, корхона ва ташкилотларда ўтказиш режалаштирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда кейинги йилларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган кўплаб ишлар амалга оширилди, жумладан, қабул қилинган қонунларнинг халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойилларига тўла мос келишига эришилди. Бу каби тадбирлар мамлакатимизда доимий ўтказилаётганлиги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимояси қай даражада юксаклигини намоён этмоқда ва бу халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

Ҳозирги тараққиёт шундан далолат бериб турибдики, бирор-бир мамлакатда инсон ҳуқуқларига ва асосий эркинликларига нечоғли риоя этилаётганлиги ва ҳурмат қилинаётганлигига қараб, шу мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги обрўси ва унинг бошқа давлатлар билан муносабатлари белгиланмоқда. Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги обрўси кундан кунга ошиб боришига ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш орқали эришилмоқда, десак янглишмаган бўламиз. Буни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва амалдаги қонун ҳужжатлари тасдиқлаб турибди. Масалан, Декларациянинг 9-моддасида **"Ҳеч ким ўзбошимчалик билан қамалиши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмас"**, дейилган бўлса, бундай норма Конституциямизнинг 25-моддасида **"Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас"** тарзида баён этилган.

Ҳақиқатан ҳам, Конституциянинг ҳар бир моддасида инсон ҳуқуқларига содиқлик, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлиги тан олингани ҳолда инсоннинг асосий ҳуқуқлари, қадр-қиммати ва инсон шахсининг беназирлиги акс эттирилган. Бу эса Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини тўла-тўкис таъминлашга хизмат қилмоқда.

**Холмурод ИСАНОВ,**
**ҳуқуқшунос**

● *Фаолият*

## МАЪНАВИЙ ҚАНОТ БЎЛИБ

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ПРОКУРАТУРАСИ органлари томонидан вояга етмаган болаларнинг соғлом ва маънавий баркамол бўлиб ўсиши, камол топиши, кам таъминланган ва ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турган болаларни тўгаракларга ва спортга жалб қилиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, "Ёшлар йили" Давлат дастури ҳамда Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан бу борада қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.**



АЙНИҚСА, қишлоқ ёшларини спортга жалб этиш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда.

Жумладан, Кармана тумани прокуратураси ташаббуси билан тумандаги "Нарпай" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Т.Ғофуров номли маҳалла ҳудудидаги фойдаланилмай ётган ер маҳалла ёшларининг севимли спорт майдонига айланди. Мазкур майдон ҳомий ташкилотлар кўмагида ободонлаштирилди, бу ерда футбол, баскетбол ва волейбол майдонлари ҳамда кийиниш учун махсус хоналар ташкил қилинди.

Спорт стадионининг тантанали очилиш маросимида ёшлар ўртасида турли спорт беллашувлари ташкил этилди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Хатирчи тумани прокуратураси ташаббуси билан А. Ёрлақабов номли фермерлар уюшмаси томонидан "Янги" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ташландиқ ер ободонлаштирилиб, футбол, волейбол майдонлари, ташкил этилди.

Бундан ташқари, "Ёшлар йили" Давлат дастурининг 7-бўлим, 107-бандида белгиланган **"Кам таъминланган оилалар болаларининг республикамизнинг тарихий ва диққатга сазовор жойлари бўйлаб саёҳатини бепул ташкил этиш"** тадбири юзасидан вилоят прокуратураси, туман, шаҳар прокуратуралари ташаббуси билан кам таъминланган ҳамда ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турган ёшларнинг тарихий жойларга саёҳатини ташкил қилиш ҳам доимий эътиборда.

Болаларимизнинг қадимий шаҳарларимиз Бухоро ва Самарқанддаги тарихий ва муқаддас қадамжоларга саёҳатлари Кармана, Хатирчи, Навбаҳор ва Томди туман прокуратуралари ташаббуси билан бир неча бор амалга оширилди.

Бундай тадбирлар ёшларга маънавий қанот бўлиш билан бирга уларда Ватанга садоқат руҳини мустаҳкамлайди, шу азиз Ватан тупроғини асраб-авайлашга, унга муносиб фарзанд бўлишга ундайди.

**Шерзод ҲАЙДАРОВ,**
**Навоий вилояти прокурорининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўйича катта ёрдамчиси,**
**1-даражали юрист**

● *Адлия аралашгач...*

## ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ

### адлия органларининг муҳим вазифаларидан

**ТАДБИРКОРЛИК ҚАЙСИ ШАКЛДА олиб борилишидан қатъи назар, у давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланиши турли шакл ва усулларда амалга оширилади.**

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонунида фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратилиши, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори билан тасдиқланган **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида"**ги Низом билан адлия органларининг асосий вазифалари, ваколатлари ва ҳуқуқлари белгилаб берилган бўлиб, Низомда вазирликнинг <u>тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасидаги вазифалари ва функциялари</u> ҳам аниқ кўрсатилган.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш борасида Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан 2008 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб, судларга 154 та 951.183.070 сўмлик даъво аризаси киритилган ва шулардан 151 таси, яъни 361.673.429 сўмлик қисми қаноатлантирилган. Жумладан, Зарафшон шаҳридаги "Қизилқумолтин" футбол клуби ўз эҳтиёжлари учун 2007 йилнинг 20 апрелида олиб келган ТИФ ТН коди 8704 бўлган 2 дона "МАЗ-555102-220" русумли, юк сиғими 10,2 тонна бўлган юк автомашинаси ҳамда 1 дона "Амкодор-352" юклаш воситаси (погрузчиклар) қонунчиликда белгиланган имтиёзлар қўлланилган ҳолда расмийлаштирилиб берилиши лозим бўлса-да, Навоий вилояти божхона бошқармаси томонидан расмийлаштирилмасдан, бир неча ой давомида асоссиз ушлаб турилган.

Вилоят адлия бошқармасининг мазкур транспорт воситаларига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 31 мартда 1669-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган **"Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхати"**да белгиланган божхона тўловларидан озод қилиш ҳақидаги имтиёзни қўллаб, уларни расмийлаштириб бериш тўғрисида жорий йилнинг 18 июлидаги тақдимномасига божхона бошқармаси имтиёзлар қўлланишини рад этиб, жавоб йўллаш билан нуқта қўймоқчи бўлди. Натижада "Қизилқумолтин" футбол клубининг олиб келган транспорт воситаларини қонунчиликка кўра тўлашдан озод қилиниши лозим бўлган бож тўловларини мажбуран тўлаб, божхона расмийлаштирувидан ўтказишдан бошқа чораси қолмади.

Аммо, ишни адлия бошқармаси адолатли ҳал этишга бел боғлагач, Навоий вилояти хўжалик судининг 8 октябрдаги қарори билан адлия бошқармасининг даъво аризаси қаноатлантирилиб, божхона бошқармаси томонидан асоссиз ундирилган 37,9 миллион сўм миқдоридаги пул маблағлари футбол клубига қайтариладиган бўлди.

2008 йил 1-ярим йиллиги мобайнида ўтказилган ўрганишлар давомида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 101 та тақдимнома киритилган. Тақдимномалар натижасида қўпол қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган 186 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган, шундан 8 таси эгаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Бундан ташқари, адлия бошқармасининг таклифига асосан тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйган 56 нафар шахс маъмурий жавобгарликка, 5 нафари жиноий жавобгарликка тортилган.

Жумладан, Нурота туманида Ўзбекистон Республикасининг **"Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"**ги Қонуни ҳамда айрим фаолият турлари учун рухсатномалар беришга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ўрганилганда улгуржи савдо билан шуғулланишни лицензиялашда ҳамда алкогол маҳсулотлар билан чакана савдога рухсат беришни сўраб қилинган мурожаатлар кўриб чиқилишида туман ҳокимлиги иқтисод бўлими бошлиғи Т.Шодмонов томонидан муддат бузилишига йўл қўйилганлиги ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддаси билан 2008 йил 1 майда маъмурий баённома тузилиб, судга тақдим этилган.

Суднинг 2008 йил 15 майдаги қарори билан Т.Шодмоновга 41730 сўм жарима белгиланган.

Қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан тақдимнома, огоҳнома ва кўрсатмалар киритилган.

Худди шунингдек, киритилган тақдимномага асосан амалдаги қонунчиликка зид тарзда қабул қилинган 25 та қарор бекор қилинган.

Бу эса республикамизда тадбиркорликнинг ҳимоясини таъминлаш бўйича етарли ҳуқуқий база яратилганидан далолат беради.

Улардан асосий талаб – фақат қонуний ишлаш, янгиликларни жорий этиш ва янги ишчи ўринларини яратишдир.

**Жамшид РАҲМОНОВ,**
**Навоий вилояти адлия бошқармаси бошлиғи**



**Суратларда:** (юқорида чапдан) Навоий шаҳар прокурори Самижон Омонниёзов, Навоий шаҳар ихтисослаштирилган прокурори Жаҳонгир Сатторов ва вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори Ашраф Жўраев;

Пастдаги суратда адлия бошқармасининг ҳуқуқий тарғибот кўргазмасидан лавҳа акс этган.



● *Суд ҳокимияти*

## ҚАРОР ИЖРОСИ

### билан кучли

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг бир бўғини сифатида инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишга доир давлат функциясини бажаради.**

СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ муҳим бўғинларидан бири хўжалик судидир. Кейинги йилларда мазкур суд ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ва суд буйруғи шаклидаги ҳужжатлар орқали ҳаётимиздаги турли соҳаларда учраётган қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Хўжалик судларининг суд ҳужжатлари республика ҳудудида бажарилиши мажбурийдир. Суд ҳужжатининг бошқа давлат ҳудудида тан олиниши ва ижро этилиши халқаро битимларга мувофиқ ўзаро тенглик асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида қатор битим ва конвенциялар қатнашчисидир. Хусусан, МДҲ мамлакатларининг **"Хўжалик фаолиятини юритишни амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида"**ги Битим 1992 йил 20 мартда имзоланган бўлиб, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномавий ва бошқа фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Мазкур Битим Ўзбекистон ва МДҲга аъзо бошқа кўплаб давлатларда ратификация қилинган.

Аммо баъзи ҳолларда суд қарорларини ижро этиш Департаменти вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан айрим суд ҳужжатлари ижроси таъминланмасдан қолаётганлиги аниқланмоқда.

Масалан, акциядорлик-тижорат "Пахта банк" ҳамда банкнинг Янгиработ бўлими устидан тушган аризага кўра, банкнинг Янгиработ бўлимига нисбатан бўлимнинг суд ҳужжати ижросини таъминламаганлиги, яъни қарздор "Абдураҳмон Пўлатов истиқболи" муқобил МТПнинг банкдаги ҳисоб варақасининг чиқим қисмига банд (инкасса) солинган бўлишига қарамасдан, келиб тушган маблағларни суд ижрочисининг рухсатисиз бошқа мақсадларда кўчириб берилганлиги учун банкка нисбатан жарима қўллаш сўралган. Мазкур иш вилоят хўжалик судида кўриб чиқилиб, банкка нисбатан қонуний чора кўрилди.

Текшириш жараёнида шу нарса аниқландики, тумандаги "Чинара" фермер хўжалигининг ҳисоб рақамига ҳам вилоят хўжалик судининг қарорига кўра банд солинган эди. Бироқ бу бажарилмади. Оқибатда бўлим жарима тўлашга мажбур бўлди. Бу ҳаракатлари билан банк маъмурияти Президентимизнинг 1997 йил 5 февралдаги **"Хўжалик судлари қарорлари ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони ҳамда Хўжалик-процессуал кодексининг 218-моддаси талаблари бузилишига йўл қўйган.

Яна бир қарздор "Мафтуна Зиёдова" фермер хўжалигининг ҳисоб рақамидаги маблағ хўжалик суди ҳужжати билан белгиланган солиқ инспекцияси томонидан кўрсатилган 1 311 525 сўмни ундиришга эмас, балки бошқа мақсадлар учун кўчириб берилган. Банкдан яна жарима ундириладиган бўлди.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар хоҳ у иқтисодий бўлсин, хоҳ ҳуқуқий соҳада, барчаси халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимиз равнақини кўзлаб амалга оширилаётир. Уни қўллаб-қувватлаш, кечаётган жараёнларга ўз ҳиссасини қўшиш ҳар бир фуқаронинг бурчи.

**Шерзод АБДУРАҲМОНОВ,**
**Суд департаменти Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси етакчи инспектори**

● *Доғ*

## ТУБАНЛИК

**ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ томонидан кўриб чиқилган жиноий ишлар билан танишиш жараёнида инсонийликни бутунлай унутган, жаҳолат ва тубанлик гирдобига тушиб қолган кимсалар ҳаётига дуч келасиз...**

НУРОТАЛИК ўттиз беш ёшли Зиёвуддин Тўйчиев шундайлардан бири. У мудҳиш жиноятни содир қилгунга қадар бир неча бор судланган. Бир неча бор озодликдан маҳрум қилиниб, жазоларни ўтаган. Ҳатто бир гал мамлакатимиздаги инсонпарварлик сиёсати туфайли тайинланган жазо учдан бирига қисқартирилса-да, унинг кўзлари очилмади. Бир муддат танаффусдан сўнг у жиноят ишлари бўйича Конимех тумани судининг 2004 йил 13 июлдаги ҳукмига мувофиқ уч йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилди. Жазони ўташ даврида, яъни Зафаробод қўрғонидаги Геология-қидирув экспедициясида чилангар бўлиб ишлаётган чоғида 2007 йил 26 мартга ўтар кечаси тунги соат иккиларда Навоий кон-металлургия комбинати, 5-кон бошқармасига қарашли 6-сонли автобазанинг бош механик хизмат хонасига эшикни бузиш йўли билан кириб, у ердан электродрель, телефон аппарати, 10 комплект спорт формаси, автобазанинг юмалоқ шаклдаги касаба уюшмаси муҳри, пайвандлаш аппаратлари сақланадиган хонадан эса 40 метр кабелни ўғирлаб кўздан ғойиб бўлган.

Босқинчиликни ўзига касб қилиб олган бу тубан шахснинг Навоий шаҳрига "ташрифи" бир оила учун даҳшатли фожиа билан тугади... Навоий шаҳридаги А. Булат кўчасида Мурзабаевлар хонадонини эшигини бузиб, у ердаги мол-мулкни талон-торож қилиш чоғида, вояга етмаган қизчанинг кутилмаганда уйига кириб келиши жиноятчини шоширибб қўйди. У ўз жиноятини яшириш мақсадида ваҳшийлик йўлини танлади — Феруза Мурзабаеванинг жонига қасд қилди. Инсонийлик қиёфасини йўқотган бу кимса шундан сўнг, уйдан қўлига илинган барча нарсаларни олиб, чиқиб кетган.

Бу жиноят изидан шу нарса маълум булдики, З. Тўйчиев ўтган йили август ойи бошларида Д. Мурзабаевнинг Навоий шаҳар, Гулистон қўрғонидаги ҳовлисида ишлаган. Ўшанда унинг Булат кўчасидаги уйида ётиб қолган. Кейинчалик унинг уйидаги нарсаларни ўғирлаш режаси билан уйда ҳеч ким бўлмайдиган пайтни пойлаган. Уй эгалари ишга, болалар мактабга кетганига ишонч ҳосил қилгач, ўзининг режасини амалга ошириш учун эшикни бузиб ичкарига кирган.



Бировнинг уйига кирган, бегуноҳ бир қизчанинг умрига зомин бўлган жаҳолат ва тубанлик гирдобига тушиб қолган, ўтган ҳаётининг ўн беш йилини жиноятнинг қоронғу оламида ўтказган хавфли рецидивист Зиёвуддин Тўйчиев томонидан содир этилган барча жиноятлар фош бўлди. Ва у қилмишига яраша жазоланди. Жамиятимиз учун ўчмас доғ қолдирган бу шахс қолган умрининг 24 йилини яна темир панжара ортида ўтказадиган бўлди.

**Шавкат ҒАФФОРОВ,**
**Навоий вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи,**
**адлия маслаҳатчиси**

*Саҳифа материалларини газетанинг Навоий вилояти бўйича мухбири Маруса ҲОСИЛОВА тайёрлади.*

● *Жамият ва ахлоқ*

# МУҚАДДАС ДАРГОҲНИНГ

## ЭЗГУЛИК ЭШИГИ

**ОИЛАГА АЗАЛ-АЗАЛДАН муқаддас даргоҳ сифатида қараб келинган. Юртимиз мустақилликка эришгач, оила ва никоҳ муносабатларига эътибор янада кучайди. Мамлакатимиз қонунчилигида миллий анъана ва қадриятларимизни ўзида мужассамлаштирган қонун ҳужжатлари қабул қилинди.**

**Сир эмаски, ислом динида оила ва никоҳ масалаларига жуда жиддий эътибор берилган. Биз қуйида Ўзбекистон Мусулмонлар идораси раиси Усмонхон АЛИМОВнинг шу мавзудаги фикрларини эътиборингизга ҳавола этамиз.**

— БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РАҲИМ. Инсон ҳаёти мобайнида оила қуради, фарзанд кўради ва шу тариқа ўз наслини давом эттиради. Ислом дини ақидасида ҳали бола дунёга келмай туриб, унинг келажаги тўғрисида қайғуришга буюрилади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир ҳадиси шарифларида: **"Аёл диёнати ёки молу дунёси ёхуд ҳусни жамоли учун никоҳ қилинади. Сен диёнатлисини танлагин..."** — деганлар.

Аллоҳ таоло оиланинг муқаддаслиги, унинг нақадар улуғлиги ҳақида Қуръони каримда шундай баён қилади: **"Ўз жинсларингиздан Сизлар учун жуфти ҳалоллар яратиб берди, токи улар билан ҳаловатли турмуш қургайсизлар. Ўрталарингизда меҳр-муҳаббат туйғусини пайдо қилди. Бу эса Аллоҳнинг биру борлигининг нишоналаридандир. Ақл-идрокли фикр юритувчилар учун бунда кўп ишорат ва аломатлар бордир"**. (Рум, 21)

Динимизда уйланиш ниятидаги киши ўзига жуфти ҳалол танлаш вақтида қиз (аёл)нинг фақат ҳуснига ёки бойлигига алданиб қолмасдан, балки унинг хулқ-одоби, дину диёнатига ҳам албатта, аҳамият бериши лозимлиги таъкидланган.

Тарихдан маълумки, исломдан аввалги самовий дин вакиллари аёллар ҳақида кўп баҳс юритишган ва ниҳоят, аёллар эркакларга хизмат қилиш учун яратилган, деган хулосага келишган. Бу ўз навбатида аёлга бир буюмдек қараш кўникмасини пайдо қилган. Арабларда эса, аёлларга муносабат ундан ҳам ёмон бўлган. Оилада қиз фарзанд туғилса, иснод деб билиб, уни тириклайин кўмиш ҳоллари ҳам бўлганини Аллоҳ таоло Қуръони каримда баён қилган: **"Тириклайин кўмилган қиздан қайси гуноҳи учун ўлдирилди деб сўралса..."** (Таквир, 8-9)

Ниҳоят, башариятни жаҳолат зулматидан маърифат нурига чулғаган сўнгги илоҳий дин — ислом келиб, барча инсон зурриёти, жинсидан қатъи назар, Аллоҳ олдида тенг эканлиги эътироф этилди. Бу ҳақда Парвардигор: **"...Сизларнинг Аллоҳ ҳузурида ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир..."** дея марҳамат қилган. (Ҳужурот, 13)

Шўро сурасининг 49-оятида эса **"... (У) Ўзи хоҳлаган кишига қизларни ҳадя этур ва Ўзи хоҳлаган кишига ўғилларни ҳадя этур"**, — дейилади ва бу билан қиз ҳам, ўғил ҳам Аллоҳ наздида тенг эканлиги улуғланади. Бундан ташқари, жаноби Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **"Қизлари кўп уйда барака бўлади"**, — деганларки, бу ҳам динимизнинг аёлларга бўлган ҳурмат ва эҳтиромини кўрсатади. (Ажлий ривояти).

Динимизда аёлларга берилган ҳақ-ҳуқуқлардан бири турмуш қуришда ўзларига жуфти ҳалол танлашликда ихтиёр қилиш ҳуқуқидир. Яъни, исломда ҳам аёл (қиз)ни ўзи ёқтирмаган бировга мажбуран никоҳлаш мумкин эмас.

Маълумки, никоҳ инсон наслининг давомийлигини таъминловчи воситадир. Яратганнинг қудрат ва ҳикмати туфайли дунёдаги барча мавжудот жуфт-жуфт бўлиб ҳаёт кечиради. Бунинг натижаси ўлароқ, янги авлод дунёга келади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом шундай марҳамат қилганлар: **"Эй, йигитлар жамоаси! Қайси бирингиз уйланишга қодир бўлсангиз, уйланинг! Чунки уйланиш кўзни (номаҳрамга қарашдан) тийишга, фаржни (зинодан) сақлашга ёрдам беради. Кимда-ким қодир бўлмаса, у ҳолда рўза тутсин. Чунки рўза уни барча ёмонликлардан сақлайди"**.

Шунингдек, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам, турмушга чиқадиган қизларнинг ота-оналарига қарата ҳам шундай тавсиялар берганлар: **"Қачон сизлар (қизингизга) келган совчининг дину диёнатидан ва хулқидан рози бўлсангизлар, дарҳол унга қизингизни беринг. Агар шундай қилмасангиз ер юзида фитна ва фасод кўпайиб кетади"**. Мазкур ҳадисга биноан, бўлажак келин-куёв бир-бирларини сўраб суриштиришлари жоиздир. Чунки бу иш келажакда оиланинг янада мустаҳкам ва бахтли бўлишига хизмат қилади. Уйланиш ниятидаги йигит билан қиз бир-бирларини кўришлари ҳам жоиз. Бунга қуйидаги ҳадис далилдир: Муҳира ибн Шуъба (разияллоҳу анҳу) айтадилар: **"Мен бир аёлга совчи қўйган эдим, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам менга: "Уни кўрдингми?" — дедилар. Мен: "Йўқ", дедим. Шунда: "Уни кўргин, чунки кўриш орангизда муҳаббат пайдо бўлишига сабаб бўлади"**, — дедилар.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда: **"...Зинокорлик қилмай ва махфий ўйнаш тутмай иффатингизни сақлаган ҳолда маҳрларини бериб (уйланишингиз ҳалолдир)..."** деган. (Моида, 5)

Демак, уйланишдан мақсад вақтинчалик кўнгилхушлик эмас, балки насл қолдиришдир.

Ҳар қандай жамият оилалардан ташкил топади. Оила соғлом бўлса, жамият ҳам соғлом бўлади. Шу сабабли ҳам халқимиз бола тарбиясига, ўғил-қизларини оилали қилишга, соғлом насл қолдириб, соғлом оила қуришга катта эътибор бериб келган.

**Журналист Муҳиддин ПОЛВОН ёзиб олди.**



● *2008 йил — «Ёшлар йили»*

# ЁШЛАР ҚАЛБИ, ВУЖУДИ

## ғайрат-шижоатга, орзу-мақсадларга тўлиб тошган бўлади



**(Давоми. Боши биринчи бетда)**

Буни **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси** ва «**Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида**»ги, «**Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида**»ги, «**Таълим тўғрисида**»ги қонунлар, «**Кадрлар тайёрлаш миллий дастури**», **Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури, Меҳнат кодекси, Фуқаролик кодекси** ва бошқа бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда яққол кўриш мумкин.

Бугунги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиёт олдимизга янгича талабларни қўймоқда. Бу талаблар, аввало, ёшларимизнинг ҳар томонлама билим ва касб-ҳунар эгаллаши, ҳуқуқий онги ва маданияти юксак даражада бўлиши, чет тилларини мукаммал билиши, миллий ва умуммиллий қадриятларни пухта ўзлаштириши, ўз ватани, халқига садоқат билан хизмат қилишини тақозо этади.

Бу борада Президентимизнинг қуйидаги фикрига мурожаат қилиш ўринлидир: «**Юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш, тарбиялаш ва рўёбга чиқариш, бу ўта муҳим вазифани нафақат ота-оналарнинг эзгу мақсади, балки жамиятимизнинг бурчи сифатида ўртага қўйиш керак, деб ҳисоблайман**». Ушбу вазифалар ўз навбатида ёшлар сиёсатига оид қонунларни такомиллаштиришни зарурат қилиб қўймоқда. 2008 йил 29 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида**»ги Қарори қабул қилинди ва унда ёшларнинг манфаатларини ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш вазифаси қўйилди.

Ёшлар тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришда, биринчидан, фуқаролик, меҳнат, таълим ва бошқа шу каби қонунларда ёшларнинг ўз имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқариши учун шарт-шароитларни вужудга келтириш, давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлаш шакллари ва воситаларини белгиловчи ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлаш; иккинчидан, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлик содир этган ёшларни қайта тарбиялаш, тўғри йўлга қайтаришни таъминловчи ҳуқуқий воситаларни қайта кўриб чиқиш ва янада такомиллаштиришга эътибор қаратилиши лозим деб ўйлайман.

Маълумки, аҳолининг турли қатламлари орасида ёшлар ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Агар ўрта ва катта ёшдаги кишилар ўзлари учун муайян ҳаёт тарзини, аниқ интилишлар ва манфаатлар доирасини белгилаб олганлиги ва уларга асосан ушбу доира миқёсида ҳаракат қилишини эътиборга олсак, ҳаётга энди кириб келаётган айрим ёшлар ҳали ўзлари учун мақсад ва интилишлар доирасини аниқ белгиламаган бўлади. Лекин ёшларнинг қалби, вужуди ғайрат-шижоатга, орзу-мақсадларга тўлиб тошган бўлади.

Бинобарин, ёшлар тўғрисидаги қонунчилик асослари ёш авлодга ана шу орзу-ниятларни амалга ошириш, ўзини инсон ва шахс сифатида намоён қилишга кўпроқ имконият яратиши лозим.

Одатда 18 ёшдан бошлаб муомала лаёқати вужудга келади ва шу пайтдан бошлаб ёшлар турли ижтимоий ҳуқуқий муносабатларда тўлиқ иштирок эта оладилар. Фуқаролик ва меҳнат қонунчилиги айрим ҳолларда вояга етмаганларга ҳам турли мулкий ва меҳнат муносабатларида қатнашишга имкон беради. Бугунги кунда илмий-техника ютуқлари ва ижтимоий тараққиёт ёшларнинг маънавий, интеллектуал ва жисмоний ривожланиш имкониятларини ғоят кенгайтириб юборди. Шу сабабли ҳам акселерация, яъни ўсмирларнинг ҳамма жиҳатдан эрта етилиш жараёни рўй бермоқда. Баъзан уларда спорт, тадбиркорлик, шоу-бизнес, интеллектуал соҳада ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа жабҳаларида юксак натижаларга эришиш ва бунинг натижасида муайян моддий бойликларга эга бўлиш ҳолати кузатилмоқда. Бундай пайтда уларга ҳомийлик остидаги вояга етмаган шахс эмас, балки тўлақонли етук инсон сифатида муносабатда бўлиш мақсадга мувофиқдир. Амалдаги фуқаролик қонунчилиги эмансипация тартибида етарли асослар мавжуд бўлганда вояга етмаган шахсни тўлиқ муомалага лаёқатли деб эътироф этиш тартибини белгилайди. Демак, реал ҳаётни ҳисобга олган ҳолда, бу борадаги қонунларни такомиллаштириш ва ёшлар учун имкониятлар доирасини кенгайтириш лозим. Бунинг учун, биринчидан, эмансипация доираси асосларини кенгайтириш, иккинчидан, уни бир йилга камайтириш, яъни 15 ёш қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бозор муносабатлари шароитида ёшлар меҳнатини тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Президентимизнинг «**Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида**»ги Қарорида алоҳида банд сифатида олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчилари, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни тугатган ёшларнинг, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқларда ишга жойлашиши билан боғлиқ масалаларнинг бутун комплексини ҳал этиш вазифаси белгиланди.

Шу ўринда корхона, муассаса ва ташкилотларда ёшлар меҳнатини тўғри йўлга қўйиш, ёш ходимларнинг касб-ҳунар тажрибаси ва малакасини ошириш мақсадида, ўқув юртини тугатган мутахассислар учун қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунинг учун ёш мутахассиснинг меҳнат фаолиятини бошлаган дастлабки икки йил давомида меҳнат шартномаси иш берувчи томонидан бекор қилинишини чеклашга бағишланган махсус нормаларни такомиллаштириш тўғрисида ўйлаб кўриш керак.

Мамлакатимизда ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланувчи субъектларнинг салмоқли қисмини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсак, ушбу соҳада ҳам қонун ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «**Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида**»ги Фармонидан келиб чиқиб, Ер кодексининг 27-моддасига ёш оилаларга уй-жой қуриш учун ер участкалари имтиёзли асосларда берилишига қўшимча киритиш ёш оилаларнинг турар-жой шароитларини яхшилашга хизмат қилган бўлар эди. Шу билан бирга Ер кодексининг 28-моддаси ва Солиқ кодексининг ер солиғига бағишланган бобига ёш оилаларга уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларини уч йил давомида солиққа тортмаслик тўғрисида қўшимча киритиш ёшларни моддий жиҳатдан ҳимоялашга ёрдам беради.

Шунингдек, олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш тизими ва механизмини такомиллаштириш масаласи ҳам муҳим эканлигини таъкидлаш зарур. Шу муносабат билан кадрлар тайёрлаш режаси жуда аниқ эҳтиёжлар асосидагина шакллантирилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг чекка туманларига мутахассисларни жалб этишнинг, меҳнат тақсимотининг реал ва самарали, ёшлар учун қизиқарли тизимини ишлаб чиқиш вақти ҳам келди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий ҳаётимизнинг турли жабҳалари иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий соҳаларда у ёки бу муаммолар билан шуғулланувчи илмий марказлар фаолият юритмоқда. Ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи шундай марказ «Камолот» ЁИҲ таркибидаги Ёшлар муаммолари институтидир. Ёшлар муаммолари билан бевосита шуғулланувчи ушбу илмий марказнинг фаолиятини янада кучайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Юқоридаги йўналишлар бўйича ёшларга оид қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш ёшларни билим олиш, маънавий ва жисмоний камол топиш, шиддат билан бораётган тараққиёт талаблари билан одим ташлаш, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиш ҳамда мамлакатимиз буюк келажагини яратишга муносиб ҳисса қўшиш имкониятларининг ҳуқуқий асосларини ҳар томонлама кучайтиришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

**Даврон АҲМЕДОВ,**
**юридик фанлари доктори**

● *Оила кодексига 10 йил*

# ОИЛА ҲАЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҲУЖЖАТ

**ОИЛА – жамиятнинг ўзагини ташкил этувчи асосий бўғинидир. У ҳар бир халқ, миллатнинг бардавомлигини сақловчи, миллий қадриятлар ривожини таъминловчи, авлодлар ўртасидаги риштани мустаҳкамловчи, маънавий етук, ахлоқан пок, руҳан соғлом ва жисмонан баркамол авлодни тарбияловчи маскандир.**

ОИЛА — ҳар биримизнинг ички имкониятларимизни намоён этувчи азиз гўша.

Ҳар бир инсоннинг маънавияти ҳам, фаолияти ҳам, юксак тажрибалари ҳам аслида оилада юзага келади.

Мамлакатимизда амалда бўлган Оила кодекси мазмун-моҳиятига кўра, жамиятимизда рўй бераётган туб ўзгаришларни эътироф этиш ва оила манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза қилишга қаратилган.

Оила кодексига Ўзбекистон қонунчилиги учун янгилик бўлган никоҳ шартномаси, қон-қариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш, алиментлар тўлаш ҳақида келишиш, болаларнинг оиладаги ҳуқуқлари ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби кўплаб ҳаётий ва муҳим қоидалар киритилган.

Суд ва прокуратура, васий ва ҳомий, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари фаолиятида синовдан ўтган кўп йиллик тажрибалар мазкур Кодексда ўз аксини топди.

1998 йилнинг "Оила йили" деб эълон қилингани ва ўша йилнинг ўзида Оила кодексининг қабул қилиниши юртимизда оилага нисбатан ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор берилаётганлигидан, ғамхўрлик кўрсатилаётганлигидан далолат. Оиланинг мустаҳкам бўлиши, унинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши, соғлом авлоднинг камол топиши жамиятнинг мустаҳкам ривожланиши учун заминдир.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси турмушдаги энг муҳим ва кўп қиррали масалалардан иборат бўлган оилавий ҳаёт масалаларини ҳуқуқий тартибга солишда ҳар бир шахс ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳужжатдир.

**Назира ЧОРИЕВА,**
**Қизириқ тумани ФҲДЁ**
**бўлими мудири**

● *Жиноятга жазо муқаррар*

(Суд очерки)

# ҚАБОҲАТ ҚАЪРИДА

**БАҲОР ЭДИ. Тошкент — Термиз йўналишидаги автобусда юк олиб қайтаётган Ҳулкар автобус деразасидан довонга туташ қирларга суқланиб боқди. Тоғ пойидаги туташ адирлар баҳорнинг гул-чечакларига кўмилган. Унинг баҳри дили яйраб борар, қалби ногаҳоний қувончни баҳам кўришга шерик изларди.**



1

Шу сабаб бўлса керак, ёнида кетаётган нотаниш йигит Зоирни гапга тутди:

— Қаердансиз, яхши йигит?

Зоир кўҳликкина аёлни анчадан буён зимдан кузатиб келарди-ю, гап қотишга жазм этолмай жимгина келаётганди, аёлнинг саволи унга айни муддао бўлди.

— Шеробод туманидан. Солиқ инспекциясида ишлайман. Самарқандда сиртдан ўқийман. Имтиҳонларни топшириб, қайтаётибман, — деди йигит ҳам камтарлик билан.

— Э, қарийб ҳамшаҳар эканмиз-ку. Мен сиз яшаётган қишлоқ яқинидан, Ангор туманидаги Қорасув қишлоғиданман.

— Қўшни эканмиз-ку, опажон. Ҳалитдан буён гапирай дейману... Танишайлик, исмим Зоир.

Йўловчи ҳамроҳларнинг ўзаро суҳбатлари йўл бўйи қизиб борди. Ҳазил-ҳузул гаплар уларни анчагина яқинлаштириб, қирқ йиллик танишлардай суҳбатлари кўр олиб кетди. Бу орада автобус Пачкамарда тўхтади. Шунда Зоир эпчиллик билан:

— Ҳулкар опа, бирга овқатлансак, йўқ демассиз, — дея Ҳулкарни ошхонага таклиф қилди.

Ҳулкар қишлоқдаги одамлар гавжум жойда савдо дўкони очган. Бир неча йилдан буён Тошкент, Ургут бозорларига ҳар ҳафтада қатнайди. Савдони авж олдиргани сабабли топар-тутари ҳам ўзига яраша бўлиб, анчагина бойликнинг эгаси, тагида "Матиз" русумли оппоқ машина, яна иккита "Нексия" русумли машиналари бор бой хотинлар тоифасидан. Хуллас, ўша куни Ҳулкар Зоирнинг илтижо билан қилган таклифига бош ирғаб қўяқолди. Зоир унга маъқул тушганди...

БОЗОР КЎРГАН ЭЧКИДАН ҚЎРҚ, дейишади. Зоир янги танишининг

2

сўзларидан топиш-тутиши яхшигина эканлигини англаб етди. Овқатланиб бўлишгач, Ҳулкарнинг қўлидаги сумкачасидан пул чиқаришга йўл қўймади. Барча ҳисоб-китобни ўз ёнидан тўлади. Сафар чоғидаги танишув иплари кейинчалик тугунга айланиб, улар тез-тез учрашиб турадиган бўлишди. Ахири бу хуфёна учрашувлар улар ўртасидаги муносабатларни жуда ҳам яқинлаштириб, севги гирдобига тортиб кетди. Бу пайтга келиб Ҳулкарнинг кўзига на эри Азиз, на болалари кўринди. Азиз ҳам кўнгли нимани хоҳласа ўшанга қул бўлиб кетадиганлар тоифасидан эди. Кунора аёлининг турли шаҳарларга кетиб қолишига ҳам кўникиб қолган. Кундуз кунлари болаларини қайнонасига ташлаб, ўзи аёли олиб берган "Матиз" билан улфатчилик қилиб қайтар, баъзан аёлининг кеч қайтганидан дарғазаб бўлиб тергаб туриши Ҳулкарни жаҳл отига миниб, қамчи уришига мажбур қиларди:

— Кўп ҳам ҳаддингиздан ошаверманг! Рўзғорнинг барча юкини мен кўтариб юрибман. Қўлингиздан пул топиш келмагандан сўнг, топганимни еб, ичиб, жим ўтиринг! — тергашларга нописандлик билан жавоб берарди Ҳулкар.

Боши улфатчилик ва арақ ичишдан чиқмайдиган Азиз аёлининг қатъий гаплари олдида қулга айланиб бўлганди. Қарам-

3

лик ёмон. Бировнинг топган-тутганига қараб рўзғор кечириш одам бошини хам қилиб қўяди. Азиз ҳам шундай, аёлининг бозор кезишу-ю, менсимай гапиришларига кўникиб қолди. Хонадон бекасининг қаерда юриши, нима билан шуғулланишини ўйламай қўйди. Ҳулкарнинг кўзини ёғ босиб, атрофидагиларга беписанд назар ташлаш хислатлари баҳорда бевақт келган сел каби тошиб борди. Ҳаттоки болаларини ҳафталаб кўрмаса ҳам парво қилмасди. Шу сабаб бўлса керак, суд маҳкамасида қизи Гавҳар ўз волидасини қоралаб кўрсатма берганда, атрофдагиларнинг кўпи ҳайратга тушиб қолди.

ХУЛЛАС, Зоир билан дон олишиб юрган Ҳулкарнинг сабри чидамади. Бир гал улар хуфёна учрашганда ўзининг қора режасини ўртага ташлади:

— Зоиржон, бундай яшаш жонга тегди. Қачонгача хуфёна учрашиб юрамиз. Биламан, мени яхши кўрасиз. Аёлингиздан ажралишга ҳам розисиз...

— Нима қил, дейсиз. Мен ҳам худди сиздай фикрдаман. Лекин илож тополмай гарангман.

— Орамиздаги қора ботирни йўқ қилиш керак. Ана шунда барча молу мулк, бир неча автомашина

4

● *Банк ва мижоз*

# “АСАКА” БАНК
## ишончли ҳамкорингиз

**Бир неча йиллар мобайнида Давлат акциядорлик тижорат “Асака” банкининг “Автотранспорт” филиали ўз мижозларига олий даражада хизмат кўрсатиб келмоқда. Илғор техника ва технологиялар жорий этилишида, мижозларга таклиф этилган хизматларда банк мутахассисларининг билим даражаси муҳим роль ўйнайди.**





Банк ишининг тажрибали мутахассислари билан истеъдодли ёш кадрлар уйғунлиги банк хизматлари бозорида мавқени мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Айни вақтда банк ходимлари сони 178 нафарни ташкил қилади, шундан 30 ёшгача бўлган ходимлар 92 нафар. Ходимлар сонининг ошиши билан бир вақтда банк хизматлари бозорида банк фаолиятининг ривожланиши ва филиал тармоғи, яъни мини-банклар сони ўсиши кузатилмоқда.

Ходимларнинг 73 фоизи олий ва ўрта махсус маълумотга эга. 2 мутахассис эса Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини тамомлади, 47 мутахассис ўқув марказларида малака оширди ва таълим олди.

Банк филиали маҳаллий хомашёни қайта ишлаш, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришни кўзлаган ҳолда ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган, атроф-муҳитга салбий таъсири бўлмаган, қўшимча иш жойларини яратиш учун мўлжалланган лойиҳаларни молиялаштиришга катта эътибор бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг иқтисодиётнинг кичик ва хусусий бизнес секторини янада ривожлантиришга қаратилган иқтисодий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда “Асака” банкнинг “Автотранспорт” филиали кичик ва хусусий бизнес секторига қўшимча миқдорда кредит маблағлари йўналтиришни белгилади.

Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига филиал томонидан кичик бизнес субъектларига берилган миллий валютадаги кредитлар қолдиғи 8,5 миллиард сўмни ташкил этди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 августдаги 348-сонли қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда Осиё Тараққиёт банки томонидан берилган кичик ва микромолиялашга йўналтирилган кредитлар бўйича банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш учун 3 та лойиҳа маъқулланди, шундан 38 миллион сўм миқдоридаги лойиҳалар молиялаштирилди.

Бугунги кунда 156 нафар фуқародан келиб тушган буюртмаларга асосан 5,1 миллиард сўм миқдорида истеъмол кредитлари ажратилди ва истеъмол кредитлари бўйича қолдиқ 7,0 миллиард сўмни ташкил этди.

Банкнинг “Автотранспорт” филиали кредит қўйилмалари 44,5 миллиард сўмни, шундан хорижий валютадаги қисми 22,1 миллиард сўмни ташкил этди. Кредит портфелининг 34,5 миллиард сўми (77,4 фоизи) узоқ муддатли кредитларни ташкил қилди.

Жорий йилдан савдо-сотиқ молиялаштирилишига ажратилган маблағ 13 миллион АҚШ долларидан ошди.

2008 йил 1 октябрь ҳолатига 280 импорт контракти — 373,9 миллион АҚШ доллари, 631 та экспорт контракти — 1,3 миллиард АҚШ доллари ҳисобда турибди.

9 ойлик иш фаолияти якунларига кўра, филиал активлари миқдори 51 фоизга ўсди ва 2008 йил 1 октябрь ҳолатига 135,9 миллиард сўмни ташкил қилди.

Аҳоли маблағларининг банк омонатларидаги қолдиғи 1 октябрь ҳолатига 4,2 миллиард сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич йил бошига нисбатан 1,5 миллиард сўмга кўпайди. Омонатчилар сони 10,1 минг нафардан 15,5 минг нафарга етди ёки 53,4 фоизга кўпайди. Аҳолининг хорижий валютадаги омонатлари қолдиғи 2008 йил бошига нисбатан 51,7 фоиз ўсди.

Ҳозирги кунда “Автотранспорт” филиалида очилган жамғарма кассалар орқали аҳолидан коммунал хизматлар учун тўловларни қабул қилиш йўлга қўйилган. Мазкур филиалда 7 та жамғарма касса мавжуд бўлиб, улар орқали ҳисобот даврида аҳолидан 196,7 миллион сўм миқдорида коммунал хизматлар учун тўловлар қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги “**Пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини янада қисқартиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида**”ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан пластик карточкаларни муомалага чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича ишлар фаол олиб борилди.

2008 йил 1 октябрь ҳолатига сўм пластик карточкалардаги қолдиқ 478,2 миллион сўмни ташкил қилди ва йил бошига нисбатан 144,9 миллион сўмга ўсди, пластик карточка эгалари сони 5,4 минг нафарни ташкил этди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мазкур филиал томонидан ташкилот ва корхоналарда ойлик иш ҳақи тўловларини пластик карточкалар орқали амалга ошириш ишлари давом эттирилди ва ҳозирги кунда бундай ташкилот ва корхоналар сони 270 га етказилди.

“Асака” банкда сўм пластик карточкалари билан бир қаторда “Europay International” компаниясининг “EuroCart/MasterCart” ва “Maestro” русумидаги халқаро пластик карточкаларга ҳам хизмат кўрсатиш жорий этилган.

2008 йил 1 январь ҳолатига “Асака” банкнинг “Автотранспорт” филиалида 204 дона халқаро пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатилган бўлса, ҳозирги кунга келиб уларнинг сони 720 донадан ошди.

Сўнгги натижалар умумий тарзда банкнинг йиллар давомида рақобатбардошлиги ўсганидан ва мустаҳкамланиб бораётганидан далолат бермоқда. Бу келгусида банкнинг юксак мақсадларга эришишида пойдевор бўлади. t

**(Ўз мухбиримиз)**

***

**Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар**

## ТЕНДЕР САВДОЛАРИ МУДДАТИНИНГ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги №ПҚ-672 сонли Қарорига асосан аввал эълон қилинган тендерлар бўйича таклифларини қабул қилиш муддати узайтирилганлигини маълум қилади:***

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2008 йил 10 ноябрь куни Тошкент вақти билан соат 12.00да тугайди.**

| Корхонанинг номи | Манзили | Сотиладиган улуш (%) | Бошланғич нархи (минг АҚШ долл.) | Инвестиция мажбуриятлари (минг АҚШ долл.) |
|---|---|---|---|---|
| “Ўзпахтамаш” ОАЖ | Тошкент ш. | 50,00 | 6 567,5 | 5 500,0 |
| “Чиноз” дам олиш маскани | Тошкент вил. Чиноз тум. | 100,00 | 250,0 | 1 000,0 |
| “Шаршара” болалар соғломлаштириш оромгоҳи | Наманган вил. | 100,00 | 249,0 | 142,5 |
| “Ўзбеккўмир” ОАЖ | Тошкент ш. | 35,55 | 30 579,8 | 232 000,0 |
| “Сарбон-Нефтгаз” ОАЖ | Тошкент ш. | 25,00 | 763,2 | 800,0 |
| “Жиззах пластмасса” ОАЖ | Жиззах ш. | 57,67 | 3 630,0 | 5 000,0 |
| “Нақлгазмахсусқурилиш” ОАЖ | Тошкент ш. | 20,00 | 2 302,0 | 700,0 |
| “Ўзэнерготаъминлаш” ОАЖ | Тошкент ш. | 25,00 | 3 361,0 | 800,0 |
| “Косон-1 пахта тозалаш” ОАЖ | Қашқадарё вил. | 26,00 | 1 898,8 | энг юқори |
| “Гурлан пахта тозалаш” ОАЖ | Хоразм вил. | 26,00 | 1 222,6 | энг юқори |
| “Ходжаабадское управление технологическим транспортом” ОАЖ | Андижон вил. | 25,00 | 376,053 | 240,0 |
| “Нефть ва газ қудуқларини синаш” ОАЖ | Қашқадарё вил. | 22,90 | 1 981,7 | 400,0 |
| “Нефтгазтадқиқот” ОАЖ | Бухоро вил. | 25,00 | 110,0 | 940,0 |
| “Қашқадарё технологик транспорти” ОАЖ | Кашқадарё вил. | 25,00 | 3 600,0 | 2 000,0 |
| “Тошкент иссиқлик электр станцияси” ОАЖ | Тошкент ш. | 47,00 | 7 350,0 | 135 700,0 |
| “Қўқон спирт” ОАЖ | Фарғона вил. Қўқон ш. | 47,00 | 8 159,0 | 3 000,0 |
| “Марказий” меҳмонхона мажмуаси | Тошкент ш. | 100,00 | 40 183,3 | 25 292,4 |
| “Гидромахсусқурилиш” ОАЖ | Тошкент ш. | 69,00 | 2 100,0 | 2 180,0 |
| Бухоро вилояти “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамияти | Бухоро вил. | 25,00 | 494,7 | 1 293,2 млн.сўм |
| Навоий вилояти “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамияти | Навоий вил. | 25,00 | 284,0 | 156,3 млн.сўм |
| Жиззах вилояти “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамияти | Жиззах вил. | 25,00 | 911,0 | 496,1 млн.сўм |
| Хоразм вилояти “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамияти | Хоразм вил. | 25,00 | 683,0 | 113,3 млн.сўм |
| Фарғона вилояти “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамияти | Фарғона вил. | 25,00 | 821,0 | 1 225,0 |
| “Самарқандкимё” ОАЖ | Самарқанд вил. | 100,00 | 20 506,0 | 7 300,0 |

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги Билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим.

Ушбу ҳолда Информацион меморандум, Тендерни ўтказиш қоидалари ва Тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган Тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки қўмитасига тўлдирилган ва имзоланган Ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида Билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатлари учун белгиланган тўловни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қуйидаги ҳисоб рақамларидан бирига ўтказиш лозим:

**Валюта рақами:**
№ 0203840500600289001
**Ҳисоб рақами:**
№ 0203000600600289001
“Ипак Йўли” АИКБ, Тошкент ш., Фарҳод кўч., 12-“А” уй, ИНН 201122696, Банк коди 00444, S.W.I.F.T. код: INIPUZ22

Тендер таклифлари очилиши 2008 йил 10 ноябрда Тошкент вақти билан соат 16:00да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қаватда) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

**Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат этишингизни сўраймиз:**

**Кимёсаноат соҳаси корхоналари бўйича:**

Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш Бюроси, Ўзбекистан Республикаси, Тошкент, 100003, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.
Бош директор в.б. Аҳмеджанов Халил Ҳакимжанович эътиборига,
Телефон: +998 (71) 259 2251
Факс: +998 (71) 259 2279
**Эл. Почта:** ccpbuz@tps.uz

**Пахтасаноат ва нефть-газни қайта ишлаш корхоналари бўйича:**

Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш Бюроси, Ўзбекистан Республикаси, Тошкент, 100003, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй. Давлат мулки қўмитаси биноси, 15-қават.
Бош директор Набихонов Саъдуллахон Хамидуллахонович эътиборига,
Телефон: +998 (71) 259 2223
Факс: +998 (71) 259 2142
**Эл. Почта:** eibb@tps.uz

**Дам олиш масканлари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бўйича:** Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Бош бошқармасига, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 100003, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй. Маматов Одилжон эътиборига,
Телефон: +998 (71) 150 72 13, Факс: +998 (71) 259 20 72, Эл. Манзил: www.gki.uz

## ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли Қарорига мувофиқ қуйидаги давлат активлари сотилиши бўйича қайта тендер ўтказилишини маълум қилади:**

**“Лайнер” дам олиш маскани**

“Лайнер” дам олиш маскани Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманида, Тошкент шаҳридан 150 км. узоқликда Чимён тоғида жойлашган бўлиб, ҳудуди **7,0 га**. ни ташкил этади. Маскан ҳудудида жами 14 та бино ва иншоот мавжуд, жумладан: маъмурий бино, ошхона, қишки ва ёзги кинотеатрлар, чўмилиш ҳавзаси, тиббиёт хонаси, спорт майдончалари, трансформатор ва 8та ётоқ биноси (сув таъминоти ва оқава сувлари тизими, электрофикация).

Дам олиш масканининг бошланғич баҳоси – **796 800** (етти юз тўқсон олти минг саккиз юз) АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда.

Инвестиция мажбуриятларининг ҳажми – **180 000** (бир юз саксон минг) АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда.

**“Мовий денгиз” болалар соғломлаштириш оромгоҳи**

«Мовий денгиз” болалар соғломлаштириш оромгоҳи Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Туябўғиз қўрғонида, Тошкент денгизи соҳилида жойлашган бўлиб, ҳудуди **8,2 га.** ни ташкил этади. Оромгоҳ ҳудудида жами 22 та бино ва иншоотлар мавжуд, жумладан: маъмурий бино, кинотеатр, трансформатор подстанцияси, 2 та чўмилиш ҳавзаси, фонтан ва ётоқ бинолари (сув таъминоти ва оқава сувлари тизими, электрофикация, газ).

Дам олиш масканининг бошланғич баҳоси – **162 400** (бир юз олтмиш икки минг тўрт юз) АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда.

Инвестиция мажбуриятларининг ҳажми – **82 000** (саксон икки минг) АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда.

Мазкур объектларга энг юқори нархни таклиф этган ва инвестиция мажбуриятларининг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер иштирокчиси устунликка эга бўлади.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги Билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим.

Маълумотнома, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки қўмитасига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида Билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Юқорида кўрсатилган объектлар бўйича тендер ҳужжатларининг нархи 100 АҚШ доллари миқдорида (ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шу кундаги расмий курси бўйича миллий валютада) белгиланган бўлиб, уни қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш лозим:

***Валюта рақами:***
*№ 20203840500600289001*
***Ҳисоб рақами:***
*№ 20203000600600289001*
*“Ипак Йули” акциядорлик-инновация тижорат банкининг амалиёт бўлим бошқармаси 100135. Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 12-А уй.*
*ИНН: 201122696, МФО 00444, S.W.I.F.T. код: INIPUZ22*

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2008 йил 10 декабрь куни Тошкент вақти билан соат 12:00да тугайди.**

**Тендер таклифларини очиш маросими 2008 йил 10 декабрь соат Тошкент вақти билан 16:00да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.**

**Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.**

**Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Тошкент ш., 100003, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй.**
**Маматов Одилжон Абдуғаффорович эътиборига. Телефонлар: +998 (71) 150 72 13 Факс: +998 (71) 259 22 50**

# ҚОЛГАНЛАР

сизники бўлади. Никоҳдан ўтиб, бемалол эру хотин бўлиб яшаймиз. Ҳамма топганим сизники бўлади, — қатъи сўзлади Ҳулкар.

УЯТСИЗДА ОР БЎЛМАСКАН. Хиёнатнинг дарвозаси улар учун ланг очилган. Маслаҳатни бир жойга қўйган Ҳулкар ва Зоир ўзларича содир этиладиган қотилликнинг режасини пухталаб қўйишди. Улар Термиз шаҳридаги “Юбилей” бозори олдида учрашув кунини белгилаб, ўша куни Зоир унга қўнғироқ қиладиган ва Ҳулкарнинг таклифи билан гўёки тўсатдан келиб, унинг эри Азиз билан танишадиган, сўнг улфатчилик ортидан режани амалга оширишга келишиб олишди.

Келишилгандек, Ҳулкар эрини Термиз шаҳрига бошлаб бориш учун баҳона излаб топди. Шаҳар касалхонасида даволанаётган қариндошининг аҳволидан хабар олиш баҳонасида Азиз билан йўлга равона бўлди. Касалхонадан чиққач, бозорга кириб-чиқишга баҳона топган Ҳулкарнинг қўл телефони жиринглаб қолди. У сездирмасдан гўёки кутмагандек, саломлашганича гапириб, телефон гўшагидан Зоирни бозор ёнига келишга чорлади.

— Ким у? — сўради Азиз.

— Бир танишим. Бир неча бор бирга мол олишга борганмиз. Озгина олди-бердимиз бор эди. Ўшани ҳисоб-китоб қилмоқчи,

**5**

— деди бамайлихотир, аслида эса ичида ёнавериб чўғ бўлиб кетган қора ниятни сиртга чиқармади Ҳулкар.

Салдан кейин Зоир етиб келди. Улар қуюқ сўрашдилар. Шунда Ҳулкар эрига қараб:

— Танишинг, хўжайин. Исми Зоиржон. Меникидек дўконлари бор. Биргалашиб мол олиб келамиз. Бу киши менинг эрим Азиз ака, — дея уларни таништирган бўлди.

— Танишганимдан хурсандман, хоҳласанглар менда бир таклиф бор. Бир балиқхўрлик қилсак, нима дейсизлар? — гапни чаққонлик билан илиб кетди Зоир.

Барча шуни кутгандек кўнди. Қумқўрғонга бориб балиқхўрлик қилишга келишиб, йўлга чиқишди. Балиқхўрлик ортидан ичимлик деган заҳри қотил орага тушди. Азиз янги таниши бўлмиш Зоир билан баравар қадаҳ кўтарар, Ҳулкар гапга қўшилиб:

— Азиз ака, кўп ичманг, сиз рулдасиз, — деб номигагина дашном бериб қўярди. Хуллас, Қумқўрғондаги балиқхўрликдан сўнг улар Зоирни Шеробод туманидаги уйига ташлаб ўтмоқчи бўлишди. Шунда Зоир ўз ўйнаши Ҳулкарнинг имоси билан гап қотди:

— Азиз ака, танишганимдан хурсандман. Яхши одам экансиз. Мана, Шерободга ҳам етиб келдик. Соғ-саломат келганимиз учун, юз граммдан ичайлик. Сўнг сизлар Ангорга кетасизлар, биз эса Шерободда қоламиз. Яна қачон учрашамиз. Келинг, дийдор ғанимат, ака. Нима дедингиз?

— Э, ука ўзим экансиз, ўзим. Дунё ўтади, дийдор ғанимат. Ҳалиги бир шоир айтади-ку...

**6**

дўстлар дийдоридан дунё бўлолмас устунми, э, шунақа-да сизнинг гапингиз ўша шоирникидан ҳам зўр. Улфатчилик жонидилим. Ахир, топдим-а — завқланиб кетди Азиз.

Қотиллик сиртмоғи дорга осилган, фақат бир тортиш керак эди. Азизнинг анча кайфи ошиб қолди. У маст-аласт ёнида ўтирган Зоирнинг гапи билан йўлга тушди. Баъзан машина тўғри йўлдан чиқиб кетади. У машинани қаерга ҳайдаётганидан бехабар, оқшом бўлгани сабабли атрофни мутлақо англамай қолган эди. Машина аслида хилват ҳудуд бўлмиш Аму-Занг канали бўйлаб кимсасиз даштнинг зулматига кириб борарди. Зоир машинани тўхтатиб қайт қила бошлади. Ажал уруғини сепиш пайти етиб келганди. Орқада ўтирган Ҳулкар эрининг бўйнига арқон солиб бўға бошлади. Зоир унга кўмаклашди. Кўп ўтмай Азиз тинчиб қолди. Азизнинг ўлганига ишонч ҳосил қилган қотиллар унинг танасини машинадан олиб тушиб канал томон судрашди.

Мурдани шу канал ёнида қолдириб, улар анчагача яёв юришгач, Ҳулкар қўл телефони билан укасига қўнғироқ қилиб, олиб берган “Дамас”ни ҳайдаб келиш тўғрисида буйруқ қилди. Укаси етиб келгач:

— Онамнинг уйига ҳайда, — деб буюрди.

— Поччам қани, сўради? — ҳеч нарсадан бехабар ука.

— Э, маст бўлиб ётибди. Сен ҳайдайвергин. Тонг саҳарда ҳушига келса, ўзи уйга боради. Манави йигит менинг ҳамкасбим. Уйига ташлаб ўтайлик, — деди ҳеч нарса бўлмагандек бамайлихотирлик билан.

Тун ярмида онасининг уйига кириб келган Ҳулкарнинг аҳволини кўрган Боғлон момо қизининг афт-ангори-

**7**

га қараб ташвишланганича тергади:

— Нима бўлди? Тинчликми?

— Ҳа, мана энди Азиздан ҳам қутулдик...

Бу дунёда хиёнатдан ёмон иллат йўқ бўлса керак. Унинг жирканч илдизлари ўргимчак тўри сингари инсонни сиртмоққа илаштириб қўяди. Бу йўлда ҳар қандай разилликдан, ваҳшийликдан қайтмайдиган қилиб, ўз домига тортиб кетади. Жиноят ишлари бўйича вилоят суди Зоир Тўраев ва унинг гумаштаси Ҳулкар Муродовани узоқ йилларга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ўз ҳукмини чиқарди. Қотиллар содир этган жиноятига яраша ўз жазосини олишди.

**Хадича РАҲИМОВА,**
**жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти судининг судьяси,**
**Собир ЁДИКОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**



**8**

● *Халқаро судлар*

**МДҲга аъзо давлатлар МДҲни тузиш тўғрисидаги Битимда ва МДҲ Уставида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига, жумладан, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш тамойилига содиқликларини эълон қилдилар.**

# МДҲ ИҚТИСОДИЙ СУДИ

МДҲ УСТАВИГА биноан иқтисодий мажбуриятларни бажаришдан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилиш ваколати МДҲ Иқтисодий судига юклатилган.

1992 йилда саккизта давлат, шу жумладан, Россия, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Арманистон, Тожикистон ва Ўзбекистон МДҲ Иқтисодий судининг мақоми тўғрисидаги Битимни имзолади ва унинг Низомини тасдиқлади.

Низомга кўра, суд МДҲга аъзо давлатлар ўртасида тузилган битимларнинг бир хил тарзда қўлланиши ва улардан келиб чиқувчи иқтисодий мажбурият ҳамда шартномаларни таъминлашни амалга оширади. Ушбу вазифа иқтисодий низоларни ҳал этиш орқали олиб борилади.

МДҲ Иқтисодий суди битимларда, давлат ва ҳукумат бошлиқлари қарорларида кўзда тутилган иқтисодий мажбуриятларни бажаришдан келиб чиқувчи, шунингдек, МДҲга аъзо давлатлар норматив ҳужжатларининг МДҲ доирасидаги ҳужжатларга мослиги юзасидан келиб чиқувчи иқтисодий низоларни ҳал қилади.

Суд ишни кўриб чиқиш натижасида давлат томонидан МДҲ доирасидаги битим ёки бошқа ҳужжатлар бузилганлигини аниқлайди ҳамда ушбу давлатга тегишли чора-тадбирлар кўришни тавсия қилади.

Суднинг қарори устидан томонлар ва учинчи шахслар Суд Пленумига шикоят беришлари мумкин.

МДҲ Иқтисодий суди, шунингдек, МДҲ доирасидаги битимларни шарҳлашни амалга оширади. Бу вазифа бевосита низоларни ҳал қилишда олиб борилади ёки МДҲ давлатлари олий давлат органлари ва МДҲ органлари сўровномасига асосан амалга оширилади.

Суднинг шарҳи якуний ҳисобланади ва унинг устидан шикоят берилиши мумкин эмас.

МДҲ Иқтисодий судининг мақоми тўғрисидаги битимда ҳар бир давлат томонидан судга иккита номзод кўрсатилиши белгиланган. Судьялар давлатларнинг миллий қонунчилигига кўра, олий суд органларига сайланадиган тартибда 10 йил муддатга тайинланадилар.

Суд томонидан кўриладиган ишлар ҳамдўстлик фаолиятининг турли томонларига тегишли. Суд ишни кўришда халқаро ҳуқуқ нормаларига, МДҲ доирасида тузилган конвенция ва шартномаларга амал қилади.

Айтиш жоизки, МДҲ Иқтисодий суди низони ҳал этиш учун қўллаш лозим бўлган норманинг мавжуд эмаслиги ёки ноаниқлигини важ қилиб, ишни кўришни рад этиши мумкин эмас.

Судга ҳар йили 5 тадан 10 тагача иш келиб тушади. Кўрилаётган ишлар сонининг кўп эмаслиги МДҲ Иқтисодий судининг халқаро суд сифатида шаклланиши ва тан олиниши узоқ муддатли жараён эканлигини кўрсатади.

**Ойбек ҲАКИМОВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

● *Журналнинг янги сонлари*

# “ҲИДОЯТ”

**“ҲИДОЯТ” журналининг 7,8-сонлари мухлислар эътиборига ҳавола қилинди.**



ЖУРНАЛНИНГ 7-сонида Президентимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобидан парчалар ўрин олган. Тарих фанлари номзоди Ўктам Султоновнинг “IX аср Тошкент масжидлари” мақоласи муштарийларни тарихимизга яна бир назар ташлашга ундайди. Муҳаммад Вафонинг “Ҳазрати Усмон Мусҳафининг ҳолати” сарлавҳали мақоласида Қуръони каримнинг сақланиши, бугунги ҳолати, бу борада қилинган ишлар ҳақида сўз юритилган. Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг Наманган вилояти вакили Абдулҳай Турсуновнинг “Никоҳнинг фазилатлари” номли чиқишида инсоннинг ҳалол, покиза ҳаёт кечиришида оила қуришнинг бекиёс аҳамияти тўғрисида фикр билдирилган. Шунингдек, журналда бошқа бир қанча мақолалар ҳам ўрин олган.

Журналнинг 8-сонида “Ҳадис шарҳи” рукнида берилган Ризоуддин ибн Фахриддиннинг “Аҳамиятсиз сўзлардан сақланиш” мақоласида мавзуга оид бир неча ҳадислар шарҳи келтирилган. “Исломда бўлиш саодат калити” — Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг Жиззах вилояти бўйича вакили Меҳмон Жабборов билан бўлган суҳбат шундай номланади. Жаъфар Абдулмўминнинг “Истак ва нафс” мақоласида бу икки тушунчанинг мазмун-моҳияти ислом дини нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. “Тариқат тўғрисида” сарлавҳали маърифий суҳбатда Ўзбекистон Мусулмонлар идораси раиси ўринбосари Абдулазиз Мансурнинг шариат ва тасаввуф илми, тариқатлар хусусида фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

Журналнинг икки сонида берилган “Бир савол сўрасам”, “Ислом ва олам” рукнида эълон қилинган чиқишлар ва бошқа материаллар ҳам мухлисларни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

**Дилором ҚЎЗИЕВА**

● *Рейд*

# КОНТРАФАКТГА ЙЎЛ ЙЎҚ

**МАМЛАКАТИМИЗДА контрафакт, яъни сохта маҳсулотларга чек қўйиш юзасидан барча ҳуқуқий асослар яратилган ва у бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ҳуқуқ эгаси билан шартнома тузмасдан асарлар, жумладан, кино, видеофильмлар, клиплар, фонограммаларни сотиш, ижарага бериш, ўрнатиш, алмаштириш, совға қилиш ва бошқа ҳолатлар қонунбузилиш ҳисобланади.**

**“МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”**ги Қонуннинг 66-моддасига мувофиқ контрафакт маҳсулотларининг нусхалари мусодара этилиб, йўқ қилинади.



Яқинда Тошкент шаҳрида контрафакт маҳсулотларга қарши навбатдаги акция ўтказилди. Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлигининг ташаббуси билан солиқ, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бошқа ваколатли органлар билан ҳамкорликда ноқонунийлиги аниқланиб, суд қарорига асосан мусодара этилган 75 минг донадан зиёд CD, DVD, VCD дисклари ҳамда видеокассеталари жамоатчилик иштирокида йўқ қилинди. Ушбу контрафакт маҳсулотлар пойтахтимизнинг Чилонзор, Миробод, Яккасарой ва Ҳамза туманларидаги “Нирвана” МЧЖ, “CD профи” фирма дўконлари ва бошқа савдо шохобчаларидан рейдлар пайтида қалбакилиги аниқланиб, мусодара этилган. Биргина Яккасарой туманида “Нирвана” МЧЖнинг қонун талабларига зид равишда сотиш учун тайёрлаган жами 71 миллион сўмлик 13994 дона ҳар хил турдаги истеъмолга яроқсиз дисклари зарарсизлантирилди.

— Интеллектуал мулк дахлсиз ва унинг муҳофазаси юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги бош директори ўринбосари Бахтиёр Омонов. — Жорий йилнинг ўзида агентликда муаллиф ва ижрочиларнинг ўн беш мингдан зиёд асарлари ҳақидаги ахборотларни ўзида жамлаган электрон маълумотлар манбаи яратилди. Шу билан бирга, республика ишчи комиссияси фаолияти жадаллашганлиги, ҳатто вилоятлар миқёсини қамраб олганлиги сабабли контрафакт маҳсулотлари йўлига яна бир ишончли тўсиқ қўйилди. Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, шаҳар бедарвоза эмас ва бу соҳада сохта, қалбаки маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан ҳар қандай уринишларга бундан буён ҳам барҳам берилиши шубҳасиз.

**Рустам ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги матбуот котиби**

# ЯШАШИМ КЕРАК...



*Қиссадан парча*

**(Давоми. Боши 23 сентябрь сонида)**

ҲАЁТДА нима бўлишидан қатъи назар вақт тўхтаб турмайди. Жала ҳам тинди. Худди атайин қилгандек, сал ўтмасдан булут тарқади, ботаётган қуёш нурлари оламни яна чароғон этди.

Марҳумларнинг барча маъракалари ҳам ўтди. Энди норасида Ҳалиманинг тақдирини ҳал этиш қолганди. Узоқ маслаҳатлашувдан кейин Муҳаббатнинг синглиси Нодира уни ўз тарбиясига оладиган бўлди. Аммо у ҳар қанча ҳаракат қилмасин, жиянига меҳр қўя олмади.

Ота-онаси, акаларининг ўлганини ақлига сиғдира олмаган Ҳалима ҳар куни эрталаб уйқудан туриши билан аясини йўқлар, кечқурунлари дадам ишдан қачон келадилар, деб хархаша қиларди. Холасининг уйидаги муҳитга кўниколмай, акаларини сўроқлаб қоларди. Аммо унинг эркаликларини кўтарадиган, йиғласа кўтариб бағрига босадиган аяси ҳам, дадаси ҳам, қулоқчаларидан тортиб, бурунчасидан чимчилаб жиғига тегадиган акажонлари ҳам энди йўқ эди. Холаси унинг хархашаларини ёқтирмасдан жеркиб ташларди. Унинг Ҳалимадан уч ёш катта Олимжон деган ўғли эса ҳеч ким йўқлигида уриб, азоб берарди. Холаси келганда Олимжондан шикоят қилса яна жеркиб ташларди. Бора-бора қизчанинг мурғак қалби ниманидир тушуниб етди, мунғайиб қолди. Йиғламай ҳам қўйди. Қаердандир топиб олган эски бир қўғирчоқни қўлидан қўймас, кўпинча уни бағрига босиб жимгина ўтираверар эди. Қўғирчоқ унга дадаси охирги марта олиб берган каттакон, чиройли, кўзлари мунчоқдек ўша қўғирчоқни эслатар, дадажонисининг иссиқ бағрини қўмсаб, ич-ичидан эзиларди. Аммо унинг бу юриш-туриши ҳам холасига ёқмай қолди. Агар уйда нимадир синса, бузилса ёки иши юришмаса, аламини жиянидан оларди.

— Қишнинг аёзли кунлари ортда қолиб, кўклам келди. Бир куни холаси эри билан ҳовлига қўйилган стол атрофида чой ичиб ўтирар экан, кўчадан кириб келган жиянини кўриб ўшқирди:

— Қаёқларда санқиб юрибсан? Эгнингни қара, тупроққа қориштирибсан-ку. Ҳадеб кийимингни ювишга менда вақт борми!

— Шуни тўғри гапирсанг бўлмайдими? – деди эри ва ўрнидан туриб Ҳалиманинг кўйлакчасига юққан тупроқни қоқиб ташлади. Сўнг бошини силаб деди:

— Бор, қизим, уйга кириб ўйнаб ўтиргин.

— Шу шумқадам келди-ю, уйимдан барака кўтарилди, — деди холаси тишларини ғижирлатиб.

— Оғзингга қараб гапирсанг бўларди, — деди эри унга ўқрайиб қарар экан. – Бу норасида гўдакда нима гуноҳ? Нима бўлгандаям опангнинг боласи-ку. Шўрлик отасидан, онасидан, акаларидан айрилди. Нимага бунча ундан ёзғирасан? Худодан қўрқсанг бўлмайдими? Мен-ку унинг учун етти ёт бегонаман, лекин ҳар сафар кўрганимда юрагим ачишиб кетади. Агар унга оналик қилиш қўлингдан келмаса, қишлоққа, бобаси билан энасига бериб кел!

— Қайси юз билан олиб бораман. Опангнинг боласини эплаб боқа олмадингми, дейишмайдими?

— Бўлмаса болага зуғум ўтказишни бас қил. Кўриб турибман, қачон қарамай ўзингнинг болаларинг айб иш қилсаям, шуни турткилайсан. Сени кўриб болалар уни турткилайди.

— Вой, нималар деяпсиз? Ҳалима нега менга малол келар экан. Жигаримнинг боласи бўлса.

— Нодирахон, — деди Шоҳруҳ босиқ оҳангда аммо кескин қилиб. – Ўзингизни қийнаманг. Узр, бировларнинг гапини яширинча тинглаш гуноҳ, лекин ҳозир дарвозадан кириб кела туриб ўзаро суҳбатларингизни эшитдим. Яширмайман, гапга берилиб кетган экансизлар, дарвозахонада ҳаммасини эшитиб турдим.

— Нима? – деди Нодира кўзларини чақчайтириб.

— Энди, эшитганингиз. Ҳалимани тарбия қилиш сизга шунчалик малол келаётган экан, ўзим билан олиб кетаман.

Унинг гапини эшикнинг секин очилгани бўлди. Ҳалима бошини ташқарига чиқариб, улар томонга қўрқа-писа қаради. Шоҳруҳ ирғиб ўрнидан туриб, унга пешвоз юрди.

— Ҳале... Ҳалимажон. Қани бу ёққа кел! Ўзимнинг асалим.

Ҳалима бир зум қотиб қолди. Амакисини аввалига танимади, лекин унинг асалим, деб эркалаши ҳаммасини эсига туширди. Уйларига амакиси келди дегунча уни кўтариб, елкасига миндириб олар ёки сочларини титкилаб, қўрқитиб, бўйинчасини қитиқлагани-қитиқлаган эди. У холасига мўлтираб бир қараб қўйди-да, сўнг амакиси томон қўлларини ёйганча чопқиллади. Шоҳруҳ уни даст кўтариб, бағрига олди. У бети-ю, бу бетидан ўпиб, юзини юзига босди. Кўзларидан тирқираб чиққан ёш ёноғини ювиб туша бошлади.

— Амакижон, сизни жуда соғиндим. Нимага келмайсиз? Уйга кетгим келаяпти.

Бу аҳволни кўриб Нодира ер чизиб қолди. Эри эса унга ўқрайганча қараб турарди.

Шу пайт кимнингдир йўталиб қўйгани эшитилди. Эр-хотин ўтирган ўрниларида қалқиб тушдилар. Дарвозахона томондан ҳовлига кириб келган баланд бўйли, истараси иссиққина йигит салом берди:

— Ассалому алайкум.

— Ие, Шоҳруҳжон! Ваалайкум ассалом, келинг! – деди хонадон соҳиби ўрнидан туриб қўл чўзаркан.

Нодира ҳам шоша-пиша салом бериб, ҳол-аҳвол сўрай бошлади. Аммо келган меҳмон у билан хушламайгина кўришди. Стол атрофига ўтиришгач, одатдаги ҳол-аҳвол сўралгандан сўнг мезбон гап бошлади.

— Оббо, Шоҳруҳжон, бир келай дебсиз-да.

— Ҳа, Ҳалимадан хабар олай дегандим. Ўзи акамнинг руҳи олдида жуда айбли бўлиб қолдим. Ўша фалокатдан кейин бир келиб хабар олай демадим. Иш билан қоришиб кетдим. Ишдан ҳам кўра ўтган йили кузда хотиним касал бўлиб қолганди. Ўша авария бўлган пайтдаям хотиним касалхонада эди, қиши билан даволанди.

— Тузалиб қолдими, ишқилиб?

— Ҳа, Худога шукр, ҳозир соғлиги яхши. Кеча кечаси акам тушимга кирибди. Ҳалимадан хабар олмаганимга хафа бўлганми, билмадим. Аммо, ҳозир бу ерга келиб акамнинг руҳи бекорга безовта бўлмаганига ишонч ҳосил қилдим. Ҳалима сизларга, аниқроғи, холасига анча малол келиб қолган экан.

Эр-хотин бир зум бир-бирларига анграйиб қолишди. Сўнг Нодира шоша-пиша гап бошлади:

**Гулнора ҲАМРОЕВА**

**(Давоми бор)**

# ТАЪЛИМ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

**ЮРТИМИЗДА таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган туб ислоҳотлар ўзининг ижобий самараларини бераётгани барчамизнинг ютуғимиздир.**

**Бу борада ҳаётга татбиқ этилаётган давлат дастурлари, инсонпарвар қонунларимиз келажак авлодни илм-маърифатли қилиб тарбиялаш билан бирга мамлакатимизда соҳалар ривожи, илм-фан тараққиётига ҳам хизмат қилади.**



ХУСУСАН, **“Таълим тўғрисида”**ги Қонун ва **“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”** ижросини таъминлашни назарда тутувчи бир қатор қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Мавжуд таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, мамлакат келажаги ва равнақи учун фидокор бўладиган баркамол ва салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида Президентимизнинг 1997 йил 6 октябрдаги **“Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”**ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра, республикамизда таълим-тарбия тизимида олиб борилаётган туб ислоҳотларни амалга ошириш ва бу борада қабул қилинган ҳужжатлар моҳиятини кенг жамоатчилик томонидан чуқур англаб олинишига ҳар томонлама шароит яратиш — давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, таълим-тарбия муассасалари ходимларининг энг долзарб вазифалари этиб белгиланди. Кадрлар тайёрлаш тизими ҳуқуқий-меъёрий асоси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мос равишда қайта кўриб чиқилди.

Шу билан бирга таълим соҳасидаги ижтимоий кафолатларни жорий этиш мақсадида 2005 йил 5 апрелда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Ҳиндистон Республикаси ҳукумати ўртасида Алмашув дастури имзоланди. Дастурга мувофиқ қуйидаги масалалар юзасидан икки томонлама келишувга эришилди:

*тадқиқотлар натижалари, нашрлар, дарсликлар, дарс бериш воситалари, намойиш материаллари ва маълумотлар билан алмашиш;*

*қўшма конференция, кўргазма ва семинарларни ташкил этиш;*

*қўшма тадқиқотлар, тадқиқот дастурларини тузиш ва мақолаларни нашрга тайёрлаш;*

*ўқитувчиларни ва ўқув жараёни ташкилотчиларини тайёрлаш дастурларини ташкил этиш;*

*академик ва бошқа маъмурий таркиблар билан алмашиш;*

*аспирантлар, ўқитувчилар, эксперт ҳамда талабалар билан алмашиш;*

*олий ўқув юртларида ўзаро ўқув курсларини ташкил этиш;*

*ўқув-тайёрлаш муассасаларини ташкил этиш ҳамда ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув муассасалари ўртасида икки томонлама дастурларни янада ривожлантириш;*

*таълим даражаларининг ўзаро тан олинишининг имкониятларини ўрганиб чиқиш;*

*замонавий тадқиқотлар бўйича кафедраларни ташкил этиш;*

*тан олинган олий таълим муассасаларида ишни давом эттириш учун стипендиялар ажратиш;*

*ахборот технологиялари, компьютер фанлари, математика ва табиий фанлар соҳасида ўзаро ёрдам бериш;*

*мутахассисларнинг тажриба алмашинуви: педагогик ва раҳбар кадрлар аттестацияси, таълим муассасаларининг аттестацияси ва давлат аккредитацияси, кадрларни тайёрлаш сифатини назорат қилиш ва мониторинги, нодавлат таълим муассасаларини лицензиялаштириш ҳамда тестологияга оид масалалар.*

Албатта, таълим соҳасидаги ислоҳотларни кенг тарғиб этишда фақатгина сарҳисоб қилиш эмас, балки уни ҳаётга жорий қилишда амалий ёрдам кўрсатиш зарурлигини юртимизнинг ҳар бир фуқароси чин дилдан ҳис этиши муҳим. Зеро, эртанги кунимиз равнақи, келажагимиз умиди бўлган ёш авлодни қўллаб-қувватлаш ва уларни юксак салоҳиятли, маънан баркамол инсонлар бўлиб етишишида ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз инсоний бурчимиз ҳамдир.

**Аваз МАДАМИНОВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

● *Суд департаменти фаолияти*

# ҚАРЗДОРЛИК...

## ёхуд субсидиар жавобгарлик ҳақида нималар биласиз?

**МАМЛАКАТИМИЗДА истеъмолчиларнинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар томонлама муҳофаза этилади. Хусусан, хусусий мулк ҳам бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясига олинган. Фақатгина мулкдор қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин. Бу ҳолатга эса қонундан четга чиққан айрим хусусий мулк эгалари рўбарў келишмоқда.**

КЕЙИНГИ ВАҚТЛАРДА хўжалик судлари томонидан ўз муддатида тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни қарздор тадбиркорлар, якка тартибдаги тадбиркорлар, хусусий фирмалар ва фермер хўжаликларидан давлат фойдасига ундириш билан боғлиқ ижро ҳужжатларига Суд департаментининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси тизимидаги суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимларида жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада Суд департаментининг туман (шаҳар) бўлимларига жойлардаги солиқ органлари орқали мол-мулклари ҳисобидан қарзни ундириш юзасидан вилоят бўйича 4500 та — 12 миллиард 884 миллион сўм ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатлари келиб тушган.

Туман (шаҳар) суд ижрочилари қарздор хусусий мулк эгаларидан боқиманда қарзларни давлат фойдасига ундириш учун қонунда белгиланган тартибда барча ижро ҳаракатларини амалга оширишмоқда. Бироқ ундириш чоралари кўрилган бўлса-да, баъзида тадбиркорлар, хусусий фирма ва фермер хўжаликларининг мол-мулклари йўқлиги ҳолатлари ҳам аниқланмоқда. Бундай пайтда **“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”**ги Қонуннинг 40-моддаси, 4-бандига асосан ижро иши юритишни тамомлаб, суд томонидан берилган ижро ҳужжатлари ундирувчи солиқ инспекцияларига қайтарилмоқда.

Бу ҳолатда суд ижрочиси томонидан боқиманда қарз ундирилмасдан ижро ишини юритиш тамомланганлиги қарздор тадбиркорлар, хусусий фирмалар ва фермер хўжаликлари раҳбарларини жавобгарликдан озод қилмайди. Бу ҳолатда улар зиммасига қарз мажбуриятлари бўйича “субсидиар” жавобгарлик пайдо бўлади.

**Субсидиар жавобгарлик нима?** Бу юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги) шу юридик шахс учун мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) сифатидаги шахснинг ёки юридик шахс мол-мулки мулкдорининг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келтирилган бўлса, юридик шахснинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда раҳбарларининг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулклари ҳисобидан қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий ижро ҳаракатлари ўтказиш йўли билан қарзларни давлат фойдасига ундириб олишдир.

Бундай ҳаракатларни бошоқли дон ва пахта ҳосилини етказиб беришга оид контрактация шартнома мажбуриятларини бажармаган фермер хўжаликлари раҳбарларига нисбатан қўлланилишини алоҳида айтиб ўтиш жоиз.



Юқорида қайд этиб ўтилган ҳолатлар юз берган вақтда Конституциямизда кўрсатилганидек, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкинлигини тадбиркорлар, якка тартибдаги тадбиркорлар, хусусий фирмалар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳис этиб, бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олишса мақсадга мувофиқ бўларди.

**Бахтиёр АБДУЛЛАЕВ,**
**Суд департаментининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари**

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг 2008 йил 8 сентябрдаги йиғилиши қарорига асосан бошқарма томонидан Сагидуллаева Света Сатуллаевнага 2005 йил 7 апрель куни берилган серияси TS 000483 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши 6 (олти) ой муддатга тўхтатилди.

Хоразм вилояти адлия бошқармаси бошқарма қошидаги адвокатлик комиссиясининг 2008 йил 23 сентябрдаги йиғилиши қарорига асосан бошқарма томонидан Отажанов Неъматжон Бобожоновичга 2008 йил 18 январь куни берилган серияси HZ 000241 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши 2 (икки) ой муддатга тўхтатилди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатура бўйича малака комиссиясининг 2008 йил 2 октябрдаги 16-сонли қарорига асосан Самарқанд шаҳар «Темирйўл» адвокатлар ҳайъати адвокати Далиньянц Елена Мкричевна номига бошқарма томонидан 1997 йил 7 июлда берилган серияси SA 000006 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тўхтатилди.

Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатура бўйича малака комиссиясининг 2008 йил 16 сентябрдаги 5-сонли қарорига асосан Сурхондарё вилояти адвокатлар ҳайъати адвокати Тожиев Сайфиддинга 2003 йил 19 февралда берилган серияси SU 000152 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши 2 (икки) ой муддатга тўхтатилди.

## ЭЪЛОН!

**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги Тўрткўл ва Қанликўл туманлари давлат нотариал идоралари давлат нотариуси лавозимларига;**

**Навоий вилояти адлия бошқармаси Зарафшон шаҳар давлат нотариал идораси давлат нотариуси лавозимига;**

**Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси Деҳқонобод тумани давлат нотариал идораси нотариуслик лавозими учун қайта**

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

*Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*
*7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.*

*Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.*

**Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида Қорақалпоғистон Адлия вазирлиги, Навоий ва Қашқадарё вилояти адлия бошқармаларига мурожаат этишлари лозим.**

**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги телефонлари: (8361) 223-15-82, 223-81-27**
**Навоий адлия бошқармаси телефонлари: (8436) 223-01-38, 223-95-90**
**Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8375) 223-01-62, 223-01-67**

Тошкент вилояти адлия бошқармаси жамоаси бошқарманинг етакчи маслаҳатчиси Г.С.Халиловага падарибузруквори **Сирожиддин Асомутдинович ШАРАФУТДИНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент шаҳар хўжалик суди жамоаси маслаҳатчи **Сайдулло Ҳайитович ТОШҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Раҳмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич
Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Буюртма Г-915. Тиражи — 11153. t — тижорат мақола.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00
МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50.
2 3 4 5 6 7 8